




ТОШКЕНТ



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСIIЙ
ГАЗЕТАСИ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 91 (9.283) 1999 йил 6 август, жума

Сотувда эркин нархда



БАРКАМОЛ АВАСОД — МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялаш кўп жиҳатдан таълим тизимини жаҳон андозалари ва замон талаблари даражасига кўтаришга боғлиқ. Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади ҳам ана шунга қаратилган.

Тошкентдаги «Ўзэксспомарказ»да Олий ва ўртамахсус таълим вазирлигининг ўрта махсус касб-хунар таълими маркази томонидан ташкил этилган академик лицей ва касб-хунар коллежларини жиҳозлаш учун режалаштирилган намунали ўқув хоналари, устахоналар, кўرғазмали ўқув қуроллари ва тренажерлар кўрғазмаси бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга қаратилган.

4 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мазкур кўрғазма билан танишди.

Информатика ўқув хонасини кўздан кечириш чоғида, давлатимиз раҳбари XXI аср — информатика асрида бу фанни кенг ўқитиш, ўқув юрларини компьютерлар билан жиҳозлаш катта аҳамият касб этишини таъкидлади. Бироқ, энг асосий муаммо бундай техникани ёшларга ўргатадиган ўқитувчиларнинг етишмаслиги, деди Президент. Компьютерларни олиб келиш, педагогларнинг малакасини ошириш билан бир қаторда бу янги фанлар бўйича ўзбек тилидаги дарсликларни, ўқув қўллан-

маларни нашр этиш керак.

Чет тиллари хонасида ўқувчилар билан суҳбат вақтида Ислом Каримов таржимонлик масъулиятли ва шарафли касб эканини айтиб, ҳорижий тилларни ўқитишни ўзбек тилидаги дарсликлар бўйича олиб бориш, таълим жараёнини ўзбек тили асосида ташкил этиш лозимлигини ўқитди.

— Амир Темурни бутун дунё танийди, энди унинг халқи тилини ҳам жаҳон танисин, — деди Президент. Йўлбошчимиз «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси корхоналарида лицей ва коллеж ўқувчилари учун ишлаб чиқарилган кийимларнинг намуналарини кўздан кечирди.

Она тили ва адабиёт хонаси билан танишув чоғида, Ислом Каримов замонавий ўқув қуроллари билан бирга, ёшларга мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий ижодини содда ва аниқ тарзда тушунтириб берадиган китобларни кўпайтириш, бебаҳо мероснинг ҳар бир дурдонасини ўқувчи онгига етказиш муҳимлигини таъкидлади.

Автомобиллар тузилишини ўргатиш хонасида эса давлатимиз раҳбари Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Че Ёнг Ха билан суҳбатлашиб, ўқув жараёнига корейлик мутахассисларни жалб этиш, синфларни кўрғазмали қуроллар билан жиҳозлашда ҳамкорликни йўлга қўйиш ўзаро манфаатли эканлигини айтди.

— Мазкур кўрғазмани ташкил қилишдан мақсад — фарзандларимиз камолоти учун амалга ошираётган ишларимизни баҳолаш, камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, сўнгра бундай синфларни бутун мамлакатимизга жорий қилишдир, —

деди кўрғазма билан танишув ниҳоясида Президент Ислом Каримов. — Бунда энг асосий масала мана шундай ихтисослашган синфларда таълим бера оладиган мутахассислар тайёрлашдан иборат. Агар улар бўлмаса, бу ускуналар фақат экспонатлигича қолади, эзгу ниятларимизнинг обрўси йўқолади.

Халқимиз Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг эртанги кунимиз, турмушимиз фаровонлиги, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, умуман, тараққиётимиз учун аҳамиятини тушунапти. Шундай экан, биз учун режалардан амалий ишларга ўтиш даври келди.

Муҳташам билим масканлари қуриш мумкин, аммо ундаги синф хоналарини замон талаблари даражасида жиҳозлаш билан бирга, янги ўқув технологияларини жорий қилиш муҳимдир. Яна бир бор таъкидлайман, болаларимиз учун ҳар қанча куч ва маблағ сарфласак — оз, зеро, улар келажагимизнинг бунёдкорларидир, деди давлатимиз раҳбари.

Кўрғазма билан танишувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Т. Рисқиев, Президент девони Ахборот тарғибот-таҳлил маркази раҳбари С. Ҳақимов, Бош вазир ўринбосарлари А. Исаев, Ҳ. Кароматов, М. Усмонов, Б. Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

Бехзод УСМОН (ЎЗА)

СУРАТДА: академик лицей ва коллежлар бўйича кўрғазма билан танишиш пайти.

А. Тўраев олган сурат.

ИРОДА ВА ИЙМОН-ЭЪТИҚОДИМИЗ СИНОВИ

Маълумки, шу йилнинг 16 февраль куни соат 11 да Ватанимиз пойтахти Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил якуналарига бағишланган мажлиси бўлиши керак эди. Мажлисда мамлакат раҳбарияти, вилоят ҳокимлари, республика миқёсидаги идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлган эдилар. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилиши кўтилаётган эди.

Мажлис бошланишига 5 дақиқа қолганда Вазирлар Маҳкамаси биноси пойида ва шаҳарини яна беш жойида кучли портлашлар юз берди. Кейинги воқеалар тафсилоти, бу қўп-қўпчилик хурўжларини қимлар ва қандай ёвуз ниятда уюштиргани бугунги кунда жамоатчиликка яхши маълум.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу машғум воқеалар мамлакатимиз ҳаётини издан чиқаролмади, халқимиз қалбига ваҳима ва саросима соломлади. Икки соатдан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши Олий Мажлис биносида ўтказилди. Мажлисда Президент Ислом Каримов кун тартибидagi масалага ўтишдан олдин рўй берган фожияли воқеалар хусусида нутқ сўзлади.

Ҳали ҳаяжонлар сўнмасдан туриб, ҳеч қандай тайёргарликсиз, юрак-юракдан, катта эҳтирос билан сўзланган бу нутқ нафақат залдагиларни, балки бутун халқимизни ларзага солди. Чунки Юртбошимизнинг бу оташин сўзларида айни пайтдаги долзарб вазифалар билан бирга ҳаётнинг маъна-мазмунини, инсон умрининг кадр-қиммати, Ватан ва миллат тақдири ҳақида теран фалсафий фикрлар ҳам билдирилди.

Тахририятимиз мазкур нутқнинг тарихий аҳамиятини назарда тутиб, унинг видеотасмадан ёзиб олинган матнини эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топди.

Ассалому алайкум, кадр-ли дўстлар!

Муҳтарам меҳмонлар! Авваламбор, менинг сизларга айтадиган гапим шуки, нима учун хомуш кўри-насилаш? Журъатли, довиорақ одамлар бўла туриб, бугунги рўй берган ҳодисалардан қандайдир ташвиш ёки саросимага тушиш — бизнинг миллатимиз табиатига, шаънига тўғри келмайди. Айниқса, бугунги Ўзбекистон сиёсатини олиб бораётган, халқимиз, юртимиз учун, Ватанимиз учун қилинаётган ишларнинг етакчилари бўлмиш фидойиларга ярашмайди.

Сизларга ҳозир айтмоқчи бўлган асосий гапим шуки, бундай ҳолатларни, яъни, бугун юз берган ҳодисаларни албатта ҳеч биримиз кутмаган эдик.

Нега деганда, бунинг ўзи ваҳшийлик, ёвуз ҳаракатлар, ёвуз ниятларнинг ҳеч ақлга сизмайдиган бир намоиши. Такрор айтаман, ҳеч ким, авваламбор халқимиз буни

кутмаган эди.

Лекин бизнинг вази-фамиз, бу ерда ўтирган раҳбарларнинг вази-фаси шундан иборатки, юртимиз, халқимиз бошига тушадиган ҳар қандай хавф, бало-қазоларга қарши тайёр туришимиз зарур. Ҳар қандай қутилмаган ҳодисаларга қарши бизнинг иродаимиз бақувват бўлиши керак.

Негаки биз ҳақли сиёсат олиб бораёмиз, халқимизни ҳимоя қиляёмиз. Олдимизга улугвор мақсадлар қўйиб, муқаддас орзу-ниятлар билан яшайёмиз. Яъни, ҳаётимизни фаровон ва эркин қилиш йўлида, юртимиз учун, халқимиз учун, керак бўлса жонимизни ҳам фидо этишга тайёр эканимизни ҳар қандамда амалий ишлар билан исботлашимиз керак.

Шу каби мудҳиш ҳодисалар рўй берганда ўзимизни йўқотмасдан, иймон-эътиқодимизни сақлашимиз керак. Бизга қасд қилган ғаразли

(Давоми 2,3-бетларда).

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АХБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Олий Мажлис раиси Эркин Халилов бошчилигидаги Парламентимиз депутатларидан иборат гуруҳ Бухоро вилоятида бўлиб, ислохотларнинг бориши, ёшларга яра-

тиб берилаётган шарт-шароит, янгидан қурилган ва қурилаётган коллеж ва лицейлар фаолияти, оддий одамлар қалбидagi дард ва қувончлар билан янада яқинроқ танишиш мақсадида қатор учрашувлар ўтказди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «Кейс Европа» компанияси президенти Леопольд Платтнер раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

Шунингдек, компания вакиллари «Ўзқишлоқхўжалик» — холдинг» компаниясида бўлиб, ўзбекистонлик ишбилармонлар билан музокаралар ўтказди.

«Ўзбектелефильм» студияси ижодкорлари Мустақиллик байрамига муносиб совға тайёрлашди. «Менинг шотландиялик дўстим» деб номланган уч қисмли бадий видеофильм

асосан болалар ва ўсмирларга мўлжалланган.

Тошкент кимё-технология институтида ишлаб чиқилган бакалавр шахсияти модели яқинда ўтказилган «Рейтинг усули ва уни тақомиллаштириш усуллари» республика илмий-амалий конференциясида ижобий баҳоланди.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бош котиби Кофи Аннаниннинг илтимосига биноан ташкилотнинг шарқий Тимордаги ташрифи мuddатини бир ойга, яъни 30 сентябргача узайтиришга қарор қилди.

Инглиз шоири Жеймс Элрой Флеккернинг лирик асари «Самарқандга олтин саё-

ҳат» деб номланди.

Халқаро валюта жамғармаси Индонезияга 460 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз беришга қарор қилди.

Покистоннинг Панжоб вилоятида йўловчи автобус ҳалокатга учради. Бунинг натижасида 27 киши ҳалок бўлди.

Кучли тошқин юз бериши туфайли Таиланд ҳукумати мамлакатнинг шарқий қисмидан аҳолини кўчириш тадбирини бошлади.

Исроил ҳукумати ўз қўшинларини Иордан дарёсининг гарбий қирғоғидаги босиб олинган худудлардан октябр ойида олиб чиқиб кетиш режалари ҳақида хабар берди.

Гарбий Бенгалиядаги темир йўл станциясидаги портлаш натижасида 70 киши ҳалок бўлди. 100 дан зиёд киши жароҳатланди. Портлаш сабаблари ҳозирча номаълум.

ЖАҲОНДА

ИРОДА ВА ИЙМОН-ЭЪТИҚОДИМИЗ СИНОВИ

(Давоми.
Боши 1-бетда).

кучларга қарши ўзимизнинг мустақкам жипслашганимизни намоеъ этиб, жамоатчилик, халқимизнинг ишончини оқлашимиз керак. Бундай пайтларда ҳар қайси миллатнинг, ҳар қайси халқнинг иродаси ва иймон-эътиқоди синалади.

Биз мана шу етти ярим йил давомида кўп машаққатли йўллардан ўтдик. Бошимизга турли синовлар тушди, бизни чалғитишга уринадиган, йўлдан урадиган, керак бўлса, ёвуз ниятларини ҳам бизга намойиш қилишдан тап тортмайдиган ҳар хил кучларни, оқ-қорани кўрдик, яхши-ёмон кунларни бошимиздан кечирдик.

Биз бугун қандай ютуқларга-натижаларга эришаётган бўлсак — бу барчага аён. Бошқаларга нисбатан бизнинг ҳаётимиз қадамба-қадам, кундан-кунга яхши бўлаётганини кўролмаётган кимсалар ҳар қандай жирканч ишга ҳам қўл уришга тайёр эканини биз олдиндан тасаввур қилиб, билиб олишимиз керак. Ва ана шундай кучларга қарши, яна бир бор айтаман, иймон-иродамизни бақувват қилишимиз керак.

Орқамизда ким турибди? Тоғдек халқимиз турибди. Тоғни ким ҳам ўрнидан сура олиши мумкин, халқни ким ҳам бу танлаган йўлидан қайтара олиши мумкин? Ҳеч ким! Мен мана шу минбардан туриб, мана шу дақиқаларда айтмоқчиман: кимки ўз йўлидан қайтса, у — номард!

Танлаган йўлимиз энгил ва осон эмаслигини ҳаммамиз олдиндан билардик. Мен ҳозир мана шу лаҳзаларда рўй берган ҳодисаларни таҳлил қилиш, бугунги ҳодисаларнинг туб сабаблари тўғрисида батафсил гапириш, уларнинг орқасида кимлар тургани ҳақида сизларга ўз фикримни, ўз қарашимни билдириш ниятидан йирокман. Нимага деганда бу масалаларни албатта чуқур ўрганишимиз керак. Бу ҳодисаларнинг ҳали илдиизига етиб боришимиз керак.

Аммо бир фикрни аниқ айтишим мумкин. Бизда бир бепарволик кайфияти борки, мен бу ҳақда доимо огоҳлантириб келаман. Лекин одамнинг бошига синов ёки кулфат тушмаса, кўзи очилмас экан.

Асрлар давомида кўп қийин, оғир кунларни кўрган халқимиз мана шундай ҳикматли бир мақолни айтган: «Бошга тушгани кўз кўради». Бу мақол мағзини ҳар ким чуқур ўйлаб кўрса, унинг тўғрилигига иқдор бўлиши, агарки бошига бир кулфат тушса, ҳаёлига келтириши табиий ҳол.

Мақсадимизга эришиш йўлида қилаётган ишлар билан бир қаторда, боя айтганимдек, бизда қандайдир лоқайдлик, бепарволик кайфияти пайдо бўлганки, кўпинча ҳамма ишлар худди ўз йўли билан, осонлик билан амалга ошяпти, деб ўйлаймиз.

Мана; қаранглар, тинчлик-осойишталик, барқарорлик шароитида яшаймиз. Худода шукур, ҳаётимизда тинч-

лик-хотиржамлик ҳукм сурмоқда, деган гапларни ҳар қадамда эшитиб тураемиз. Аслида бу ҳам авваламбор Парвардигоримизнинг неъматидир. Одамзот табиати тинч-тотув ҳаётни хуш кўради, бундай ҳаёт унинг ички дунёсига, хоҳиш-иродасига, интилишларига тўғри келади. Нега деганда, ҳар бир инсон, миллатига, жинсига, динига қарамадан, нимани хоҳлайди? Фақат тинчликни, эркинликни хоҳлайди. Инсон яна нимани истайди? Бола-чақасининг бахтини кўришни, эзгу ниятларини амалга оширишни истайди. Шунинг учун ҳам тинчлик-осойишталик одамзот учун табиий бир ҳол. Лекин, минг афсуски, бундай ҳол гўё ўз-ўзидан, ҳеч қандай қийинчиликсиз, ойдан тушгандек юз беряпти, деб ўйлаймиз баъзан... Очиқ айтиш керак: шундай кайфият бизда бир касалликка айланган.

Бунақанги беғамликка дуч келганда беихтиёр: «Эй одамзот, теварагинга қара, нима бўляпти? — деб хитоб қилгингиз келади. — Ахир, ён-атрофингда нотинчлик, тўс-тўполон, одамлар бир-бирини ўлдиряпти — мана, йигирма йилдирки Афғонистонда уруш кетяпти, етти йилки Тожикистонда нотинчлик. Шуларга қараб фикр қил, кўзингни оч».

Жануб томонда жойлашган баъзи бир экстремистик кучлар, ўзларича, Ўзбекистон энди мустақил, эркин бўлди, биз ҳам шундан фойдаланиб ҳукимимизни суралик, уларни ўз йўлимизга юргизайлик, уларнинг бойлигидан фойдаланайлик, деган хом хаёлда юргани барчамизга аён бўлиши керак. Бизнинг ҳаётимизда ислом давлатини, ислом ақидаларини жорий қилиб, улар бу ерда ўз сиёсатини, ўз ҳукмронлигини ўрнатмоқчи бўлади.

Биз эса, таассуфки, уларнинг бундай ёвуз ниятлари ва ҳаракатларидан беҳабардай юрамиз. Нима учун? Ахир, ҳаёт ҳамма нарсага одамларнинг кўзини очиб беради-ку! Мен бир нарсага ачинаманки, фақатгина одамлар бошига мана шундай фожиа, кулфат тушгандан кейин биз кўзимизни каттароқ очиб қарагандай бўламиз.

Мен, эй одамзот, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, деб доим куйиб-ёниб даъват этаман. Бу гап эҳтимол баъзи бировлар учун ортиқчадай туюлар. Лекин мен огоҳлик, огоҳ бўлиш ҳақида гапирганимда бугунгига ўхшаш воқеаларни назарда тутаман. Нега деганда, бир беғуноҳ одамнинг ўлими — бу кечирилмас фожиа. Чунки инсон табиати ноҳақлик, зулмни қабул қилмайди. Авваламбор, Худонинг ўзи бунга қабул қилмайди.

Яна тақдоран айтмоқчиманки, бугун кўпгина жойларда ҳаётимизда ана шундай бепарволик, фақат ўзини билиш, фақатгина ўзини ўйлаш, ўзи билан банд бўлиш кайфиятлари пайдо бўлди. Ҳаммаси ўзича кетяпти-ку, бугун кечаги кунга нисбатан ўсиш бор, пировард мақсадимизга ҳали тўла эришмаган бўлсак-да, сезиларли суръатлар билан ривожланып-миз, яна нима керак, деган қарашлар бизнинг сезгир, ҳушёр бўлишимизга халақит бераётганини пайқамасдан қолдик.

Ҳолбуки, бу тинчлик учун курашиш керак, бу тинчлик учун, айтайлик, зарур бўлса, жон бе-

риш керак. Тинчлик учун инсон ўзининг бутун кучини, ақли-роқини сафарбар этиб, ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши керак. Бу ҳаётни ҳимоялаш керак. Ҳимоялаш деганда мен нимани назарда тутяпман? Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Келажак авлодимизни ҳимоялашимиз керак. Оиламизнинг тинчлигини ҳимоялашимиз керак.

Ҳимоя дегани нима? Ҳимоя дегани — аввало огоҳ бўлиш дегани. Мана шу каби бемаъни ишларни, қабих ниятларни сездингми, ёвуз кучларнинг хатти-ҳаракатини, башарасини кўрддингми, бепарво бўлма! Нимага деганда, эртага шулар туфайли сенинг бошинга кулфат тушиши мумкин.

Бепарволик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Кўхна тарих бу борада бизга кўп сабоқ беради. Бизнинг миллатимиз, халқимиз оғир ва машаққатли тарихни бошидан кечирди. Фарзандларимизга шу тарихни ҳаққоний тарзда ўргатиш, мактабларда ўқитиш, китоблар, матбуот, телевидение орқали яққол кўрсатиш керак.

Гоҳ-гоҳ журналистларга, боринглар, Афғонистонни, у ердаги аҳволни кўринглар, билинглар, дейман. Телевизорда кўрсатинглар, одамлар қандай ҳаёт кечиряпти, беғуноҳ инсонлар нобуд бўлиб кетяпти, деб айтаман. Нима учун кўрсатмайсизлар? Нима учун шу тўғрида гапирмаймиз? Бир воқеани билиш учун одам уни ўз кўзи билан кўриши керак, кўзини очиб қараш керак.

Худдики биз бир орол сифатида алоҳида яшаймиз: атрофимизда шундай нохуш ишлар, шунча ёвузликлар бўляпти, кишиларнинг тинчлиги бузиляпти, ҳар қадамда бекарорлик, одам ўлдириш, инсон ҳаётини икки пулга олмаслик каби ҳолат ҳукм суряпти-ю, гўё уларнинг бизга дахли йўқдай, биз беғам-бефарқ ўтирибмиз. Шу тўғрида гапириш керакми-йўқми? Нега ҳеч ким бу ишни қилмайди, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини кўрсатмайди?

Бугун нима қилишимиз керак? Биринчи навбатда ҳар қайси маҳаллада, ҳар қайси қишлоқда, керак бўлса, ҳар қайси хонадонда барчамиз бу ҳақда яна бир бор ўйлаб кўришимиз, очиқ фикр алмашиб олишимиз зарур. Барака топгурлар, биз бугунги ҳаётга эришгунча қанча-қанча пешона теримизни тўқдик, қанча-қанча синовлардан ўтдик, қанча-қанча оғир машаққатларга сабр-тоқат билан бардош бердик, қандай қийин кунларни бошимиздан кечирдик. 1990 йилларни эсланг, Фарғона фожиаси, Ўш, Ўзган воқеаларини яна бир бор кўз ўнгингизга келтиринг. Айтинглар, шулар ҳақида ўйламаслик — ҳозирги кунларнинг қадрига етмаслик эмасми?..

Бугун мана, қаранг, осмонимиз мусаффо, заминимиз тинч. Мен ўзимга гоҳ-гоҳ бериб турадиган бир саволни мана шу минбардан туриб сизларга ҳам бермоқчиман. Бундай мусаффо, тинч осмон, бугунги ҳаётимиз учун ҳар кун эрта-лаб туриб, покланиб, Худого минг бор шукроналар айтишимиз керакми-йўқми? Бир вақтлар бир бурда нонга муҳтож бўлиб юрганнимизда, очликдан ўлиб кетмаганимиз учун шукроналар айтардик. Мана, бугун ҳамма нарса бор, одамлар-

нинг юришини, кийинини кўринглар, одамларнинг яшаши-ни, ейиш-ичишини кўринглар.

Албатта, ҳали кўп камчиликларимиз ҳам бор, олдимизда турган мақсадларга эришиш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз керак. Буни ҳеч ким инкор қилмайди. Кўп нуқсонларни, хатоларни бартараф қилишимиз, ҳаммамиз фидокор бўлишимиз зарур. Биз орзу қилган фаровон, эркин турмушга етиб бориш учун ҳали анча-мунча қийинчиликни бошимиздан кечириб кўришга тўғри келади. Лекин бугунги ҳаётимизнинг, Худо барчамизга берган неъматларнинг қадрига етишимиз керакми-йўқми?

Бу гапларни айтишдан мақсад нима? Сабаби шуки, ҳамма нарсани тушуниш, билиш учун яна бир бор ўзимизга қарашимиз, воқелигимизни танқидий кўз билан баҳолаб, ҳозирги ҳаётимизни қадрлай олаётганимиз, бугунги куннинг қадрига еттишимизми-йўқми, деган саволларга жавоб қайтаришимиз зарур.

Нега деганда, шу ҳақиқатни сезган, уни қалбидан, юрагидан ўтказган одам ҳаётни ҳимоя қилишга тайёр бўлади. Ҳар қандай босқинчи, ҳар қандай товланачи, ҳар қандай разил кучларга қарши чиқишга ҳам кучи етади ва керак бўлса, бизлар олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Шундагина ҳар бир фуқаро муқаддас ислом динимизни ниқоб қилиб олиб, бизнинг тинчлигимизни бузишга ҳаракат қилаётган кучларга қарши ўз фикрини, аниқ муносабатини билдиради.

Биз бугунги машъум ҳодисаларнинг илдиизига албатта етиб боришимиз керак. Мана шундай қабих усул билан — балки бунга усул деб ҳам бўлмас — шундай аблаҳона намойиш билан бизни танлаган йўлимиздан қайтариш, қўриқтиш, ваҳимага солиш мақсади орқасида кимлар турганини очиб беришимиз зарур. Мен шуни ўзимга аниқ тасаввур қиламан. Бугунги қабих ҳаракатларнинг асосий мақсади менга қарши, мени йўқ қилишга қаратилган.

Чунки мен бошлиқман, бинобарин, кимгадир ёқаман, кимгадир ёқмайман. Қандайдир кучларнинг йўлини тўсиб турибман. Мен раҳбарман, халқимизнинг ишонч-иродаси билан сайланган одамман. Демак, юртимиздаги ҳаёт учун, барқарор турмуш, тинчлик-осойишталик учун авваламбор мен жавобгарман. Билмадим, гапимни қандай тушунасизлар, лекин бу бинода, шу минбардан туриб ёлгон гапириш мумкин эмас. Негаки бу залда халқ ноиблари — халқ вакиллари ўтиришибди. Улар юртимизнинг турли шаҳар-қишлоқларида, бевосита халқ орасида меҳнат қилишади ва айтиш мумкинки, улар сиймосида халқимизнинг нафаси, аждодларимизнинг руҳи мана шу зал, шу бинода парвоз қилиб юрганига менинг ишончим комил.

Бу улуғ даргоҳда фақат рости гапириш керак. Бу даргоҳда одамлар ҳақида, уларнинг дардини ўйлаб, ярасига малҳам бўлиш ҳақида гапиришимиз керак. Бу бино халқнинг бутун дарду армонларини, орзу-умидларини мужассамлаштирадиган маскан, десам, тўғри бўлади. Бугун шу минбарга чиққан ҳар бир инсон виждонан гапириши керак. Чин қа-

лдан гапириши керак.

Мен шу юксак минбардан туриб айтмоқчиманки, мавжуд тинчлик, барқарорликни сақлаб қолиш учун, эртанги кунимизни ҳимоя қилиш учун мен жонимни ҳам беришга тайёрман! Бу шунчаки куруқ гап эмас. Бу — қалбимдан, бутун вужудимдан чиққан гап. Шу муносабат билан бир фикрни айтмоқчиман: шахс сифатида, инсон сифатида менга суиқасд қилиш бошқа, халқимизга, олиб бораётган сиёсатимизга суиқасд қилиш — бу мутлақо бошқа нарса.

Мени қийнайдиган, қалбимни ўртайдиган энг оғир фожиа шуки, бугунги машъум воқеалар туфайли қанча беғуноҳ одам ҳалок бўлди, ота-она, бола-чақаси бағридан жудо бўлди? Уларни қутилмаган мотамга солади. Нима учун? Уларнинг гуноҳи нима?

Бу машъум, разил ишни бажарганлар ва уларнинг ортида турган кучлар ўйламайдик, ахир беғуноҳ одамнинг ўлими учун нафақат бу дунёда, у дунёда ҳам муқаррар жавоб бериш керак-ку! Бугун ҳеч қандай айби йўқ, тинч юрган одамларнинг қони тўкилди. Майли, душман бўлса, менга душман бўлсин, лекин бу одамларнинг гуноҳи нима? Нима учун улар ёвуз қотиллар кўлида курбон бўлиши керак?

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиман: агар бу ёвуз ният ва ҳаракатлар ортида фақат Президентга суиқасд қилиш мақсади бўлса, мен бунга тушунишим мумкин. Қабул қилишим эмас, тушунишим мумкин. Бу курашда курбонлар ҳам бўлиши мумкин. Мана шу сиёсатнинг бошида турган, уни амалга оширадиган, қалбидан, юрагидан ўтказадиган, керак бўлса, шу сиёсатнинг охирига етказиш учун, фаровон ҳаёт, улуғ келажак учун жонини, бутун борлигини беришга тайёр бўлган одамга қарши курашиш — бу ҳам тарихда бўладиган ҳодисалар сирасига кирилади. Аммо қарши чиқса, курашмоқчи бўлса, очик майдонга чиқмайдими? Бундай қабих, фирром йўл билан эмас, ошқора, қонуний йўл билан курашса бўлмайди? Яна бир бор айтаман, нима учун беғуноҳ одамларнинг қони тўкилиши керак? Ким жавобгар бунга?

Албатта, талофатлар битиб кетади, шикастланган бинолар тикланади. Лекин мени бир савол қийнайдик: ҳалок бўлган одамларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари, яқинлари, ёру биродарлари юзига қандай қарайман? Уларнинг айби нима?!

Сизларга очиқ айтишим керак: мен ақлли, кўпни кўрган баъзи одамлардан «Сенга нима керак? Нима қиласан ҳамма нарсага ўзингни уриб? Нима қиласан ўз принципингда бунчалик қатъий туриб? Сиёсатда андиша, муросаи маддорага риоя қилсанг бўлмайди, ўзингни ўтга-чўққа уриб нима қилсан, барибир бу ҳаётни ўзгартира олмайсан», деган гапларни кўп эшитганман. «Минг йиллардан буён ҳаёт шу тарзда давом этиб

(Давоми 3-бетда).

ИРОДА ВА ИЙМОН-ЭЪТИҚОДИМИЗ СИНОВИ

(Давоми.)

Боши 1,2-бетларда).

келяпти, уни ўзгартириб бўлмайди, нима қиласан ўзингни бунчалик куйдириб, жонингда қасдинг борми?» деган гапларни ҳозир ҳам айтиб туришади.

Буларга жавобан мен шу фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, одамлар ҳар хил бўлади. Боринги, мана шундай ҳаракатлар билан бировни кўрқитиш, йўлидан қайтариш мумкин. Лекин баъзи бир одамлар борки, уларни асло ўзгартириб бўлмайди, жумладан, менга ўхшаган одамни ўзгартириб, йўлидан қайтариб бўлмайди!

Менинг ҳаётим — иш, уй. Шу халқ, шу миллат ташвиши. Менда яна нима бор, қандай ҳузур-ҳаловат бор? Ўйлайман. Кўп ўйлайман, кечалари ухламасдан чиқаман баъзан. Менинг ҳам болаларим, учта набирам бор. Мен ҳам болаларимнинг бахтини кўрмоқчиман, набираларимни уйлантирмоқчиман. Бу ҳам табиий бир орзу. Лекин бунга ниманинг эвазига, қандай қилиб эришиш мумкин? Ўз эътиқодини, ўзининг иродасини, иймонини сотиб ҳам бунга етиб бориш мумкин. Лекин, ўйлайманки, ҳар қайси иродадан бор, иймоним бор, деган виждонли одам бу йўлга асло кўнмайди, рози бўлмайди. Менинг шу гапимга, ҳозир билдирган фикримга онгли яшайдиган, иймони бутун одамлар қўшилади, деб ўйлайман.

Мен яна бир масала хусусида кўп фикр қиламан: одамзот бу ҳаётдан ҳар хил яшаб ўтиши мумкин. Инсоннинг ёши улғайган сари бу ҳақда кўпроқ ўйлайди. Кимдир эрталаб туради, кечгача ҳар хил юмушлар, керак-нокерак ташвишлар билан банд бўлади. Лекин ҳаётнинг мазмуни ҳақида ўйлаб кўрмайди. Ҳаётда бўладиган воқеа-ҳодисаларни юракдан қабул қилиш, ҳис қилиш туйғусини Худо ҳаммага ҳам беравермайди. Бу ҳам табиий ҳол. Оллоҳ таоло ҳаммамизни ҳар хил қилиб яратган. Лекин бугунги кунда кўпчилик, аксарият халқимиз орасида, Ватан, эл-юрт ҳақида, иймон ҳақида, шу тушунчаларни фарзандларимиз, ёшларимиз онгига сингдиришга ҳаракат кучаймоқда. «Ҳаётнинг мазмуни нимадан иборат?» деб бош қотирадиган, ўзини ўзи қийнайдиганлар сони кўпайиб борапти. Ўйлайманки, ана шу руҳда тарбия топадиган ёшларимизнинг эртанги кунни ёруғ бўлади.

Кўпгина одамлар ўз умрининг охирида: «Мен ҳаётимни қандай кечирдим, бошқалар эса қандай ўтказди?», деб ўзига ўзи савол беради. Мен умрбод ўзимни қийнаб, азалий муаммоларга жавоб топаман, деб яшадим, булар эса ҳаётнинг барча лаззатларидан, яхшиликларидан, қулайликларидан

дан бахраманд бўлиб яшади,

деган саволларга дуч келади. Хўш, ўйлаб кўрайлик, аслида ким бахтли? Бу икки тоифа инсондан қай бири бахтли?

Мен ўйлайманки, авваламбор ҳаёт мазмунини ўйлаб яшаган одамлар бахтли. Бу ҳаётдан енгил-елпи яшаб ўтиш ҳам мумкин. Аммо ҳаётнинг моҳияти, умр маъноси, охираат ҳақида қайғурадиган, келажак мазмуни, фарзандлар истиқболи ҳақида ўйлайдиган, нима қилсам шу болаларим мендан кейин бахтли-саодатли, соғсаломат, тўқ-фаровон бўлади, деган ташвиш билан яшайдиган одамларнинг сони эса, ишончим комилки, кўпроқ. Бундай одамларни ўзгартириш қийин. Мен ҳам шундай одамман. Худо таоло мени шундай қилиб яратган. Хоҳлардимки, мени ҳаёт ҳам, халқимиз ҳам шундай қабул қилсин.

Агар одамнинг бахти нимада, деб сўралса, мен кимки ўз ички дунёси, бошқача айтганда, иймон-эътиқоди амрига бўйсуниб яшаса, шундан розилик, қаноат туйса, шубҳасиз, ана шундай инсон бахтлидир, деб жавоб берган бўлардим.

Инсон ўз виждони, иродаси, иймонига қулоқ солмасдан ҳаёт кечирса, ўйлайманки, охир-оқибатда, боши ташвишу ғурбатдан чиқмай қолади, пушаймонлик ва надоматлар ўтида ёниб-қуяди, ўзидан ўзи, ўтган умридан норози бўлади.

Азиз дўстлар!

Бугунги воқеалар муносабати билан айрим одамлар хавотирга тушиб, кўнглида ҳар турли саволлар пайдо бўлиши мумкин. Шунини инобатга олиб, айтмоқчиман: бу ёвуз ҳаракатни содир этган кучларнинг яна бир мақсади — одамларни қандайдир ваҳимага солиш халқимизни, авваламбор Тошкент аҳолисини саросимага тушириб, юрагига ғулғула солиб, шу орқали ҳозирги ҳаётимизга, олиб борилаётган сиёсатга кишиларнинг ишончини сусайтириш. Бугун амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимизга, мустаҳкамланиб бораётган иродамиз, иймон-эътиқодимиз, айниқса келажакка бўлган ишончимизга зарба беришдир.

Бугунги учрашувдан асосий мақсад — телевидение, радио, матбуот воситалари орқали халқимизга бугунги воқеалар тўғрисида ҳақиқий маълумот бериш, одамларимизни ваҳимага тушмасликка, саросимага берилмасликка, барқарорликни сақлашга чақириш, ёвуз ниятли кимсаларнинг кирдикорларига қарши иродамизни, янада бақувват қилишга даъват этишдан иборат. Бу тўғрида энг таъсирчан, энг самарали воситаларни қанча тез ишга солдир — шунча яхши. Мен матбуот ходимларидан бу бўлган воқеа ғаразли кучларнинг қабиҳ бир намойиши эканини халққа етказиш ва тўғри тушунтиришни илтимос қиламан.

Мен барчангиздан бир нарсани сўрайман: ваҳимага тушмаслик керак. Ҳеч ким ваҳимага берилмасин, токи юрагимизда ғулғула пайдо бўлмасин.

Аксинча, одамларда бу разил кўпуровчилар ва уларнинг ортида турган кучларга нисбатан қаҳр-ғазаб уйғотиш керак, бугунги ҳаётни, тинчликни, барқарорликни, осойишталикни қадрлашга, ҳар қайси хонадон, маҳалла, қишлоқдаги осудалик, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилишимиз керак. Жамоатчилигимизга, бутун халқимизга телевидение орқали айтадиган гапим шу — қалбингизга ваҳима тушмасин. Ёвуз кучларнинг илдизига етиб бориш, илдизи билан суғуриб ташлаш қўлимиздан келади!

Шунинг учун энг аввало маҳаллаларда, меҳнат жамоалари ва ўқув даргоҳларида бўлиб ўтган воқеани атрофчи муҳокама қилишимиз керак. Фақат ҳодисанинг ўзи ҳақида эмас, балки унинг нима мақсада содир этилгани тўғрисида фикр юритиш, бундай хавфдан одамларни огоҳ қилиш зарур.

Гап шундаки, биз ҳаммамиз бир халқнинг фарзандлари, вакилларимиз. Шу жумладан жиноятга қўл урганлар ҳам, адашиб шу йўлга тушганлар ҳам. Уларни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш — барчамизнинг вазифамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллаларда ўтказилар диган мажлисларда нима тўғрида гапириш керак? Мана шу манфур кучлар нима қилмоқчи, уларнинг мақсади нима, масжидларда нима гаплар бўляпти? Бизнинг имом-хатибларимиз одамларнинг кўзини очиб бориш борасида ўз бурчларини бажаряптими, йўқми? Одамларимизни, муқаддас динимизни ёт ва зарарли таъсирлардан ҳимоя қила оляптими, йўқми?

Бугун ҳам бир маърифатли, виждонли инсон ақидапарастлик балосига қарши курашиши, халқнинг кўзини очиб, уларга бор ҳақиқатни тушунтириб бериши, одамларнинг руҳини, онгу тафаккурини ҳимоя қилиши зарур. Хўш, жамоатчилигимиз, зиёлилар, шоир-ёзувчиларимиз, дин пешволаримиз, муаллим-мураббийларимиз, матбуот ходимлари шу ҳақда жиддий ўйлаяптими? Шу ҳақда ошқор, теран ва холис фикр юритиб, халқни огоҳликка даъват этияптими?

Ҳар қайси маҳалла ўз худудидаги масжид фаолиятига алоҳида эътибор бериши керак. Аслида масжид ким учун керак? Масжид имом учун эмас, сўфи учун эмас, халқ учун керак, мўмин-мусулмонлар учун керак. Маҳалланинг ҳаётини, инсоннинг икки дунёсини обод қилиш, охираат деган тушунчани одамлар онгига сингдириш — масжид мана шунинг учун керак. Виждонни уйғотиш, инсонни инсонийлик руҳида тарбия этиш — мана бу масжидларнинг иши.

Шунинг учун яна бир бор айтаман: ҳар қайси маҳалла аҳли ўз масжидининг ишидан, у ердаги маънавий муҳитдан хабардор бўлиб туриши керак.

Шуни унутмаслик керакки, маҳалла ўзини-ўзи бошқарадиган ташкилот. Бинобарин, масжидлар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш уларнинг бевосита вазифасига киради. Табиийки, маҳалла аҳли ҳам, маҳалла раҳбари ҳам шу масжидга қатнашди. Масжидга борадиган маҳалла раҳбари мусулмонлик фарзларини адо этиш билан бирга ўзининг хизмат бурчини ҳам эсдан чиқармасин. Масжидларда бўлаётган ташвиқотлар, тарғиботлар қандай мазмунда, улар бизнинг тушунчамизга, авваламбор Қуръони карим оятларига, Имом Бухорий тўплаган ҳадисларга тўғри келадими, йўқми? Бизнинг динимиз авваламбор Қуръони каримга, унинг илоҳий оятларини тушунтириб, маъно-мазмунини бизга аён қилиб берадиган Ҳадиси шарифга асосланади. Диний-руҳий ҳаётда шу қоидаларга қанчалик амал қилинаётгани тўғрисида ҳам кимдир ўйлаши керак-ку, ахир!

Бир сўз билан айтганда ҳар томонлама тушунтириш ишларини йўлга қўйиш, кўпроқ ташвиқот олиб бориш зарур. Одамларнинг онгига ҳақиқатни етказиш керак.

Бу бадқирдор, кўпуровчи кучларнинг бугунги воқеалардан кўнзлаган яна бир нияти шундаки, ҳозир Ўзбекистонга катта миқдорда чет эл сармоялари кириб келмоқда. Хорижий мамлакатларнинг кўпдан-кўп вакиллари келиб, биз билан ҳамкорлик қилаётгани, янги жамият қуришда фаол иштирок этаётгани баъзиларга ёқмайди. Бу нафақат ёвуз ниятли душманларимизга, нафақат ақидапарастларга, балки ўзини бизга яхши томондан кўрсатаётган бошқа айрим кучларга ҳам ёқмайди. Уларнинг асосий мақсади — Ўзбекистонда тинчликни издан чиқариш. Агар юртимизда бугунгидек нохуш ишлар юз бериб, нотинчлик пайдо бўлса, бу кучлар дарров чет эллик сармоядорларга, ажнабий ҳамкорларимизга қарата, бу мамлакатга сармоя сарфлаш хатарли, деган гапларни тарқатиб, юртимиз, халқимиз шаънига қандайдир доғ туширишни кўзлайди. Биз буни ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Чунки мамлакатимизга чет эл сармоялари келишининг асосий шарт — Ўзбекистондаги барқарорликдир. Бугунги воқеалар ҳам биздаги вазиятга зарба беришга қаратилган. Буни ижрочилар тушунмаса ҳам, уларнинг ортида турганлар яхши англайди.

Бу қабиҳ кучларнинг яна бир нияти — ёшларимизнинг бугунги ижобий ҳаётимизни интилишларига зарба беришдан иборат. Чунки уларга ёш авлодимизнинг тараққиётга интилиши, ҳаётга бошқача, замонавий кўз билан қарashi ёқмайди. Уларнинг мақсади — бугунги энг тараққий топган давлатлар билан ўрнатган алоқаларимизни узишга, ёшларимиз тарбиясини издан чиқаришга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини йўққа чиқаришга қаратилган.

Қаранглар, ҳозир ёшлари-

миз қандай кўз билан, қандай пок ният билан, қандай эзгу орзу-умидлар билан эртанги кунга интиляпти. Мен телевизорда уларнинг юрак сўзларини эшитиб, беихтиёр ҳаяжонга тушаман, ўз ҳаётимдан рози бўламан. Нега деганда, бу ёшлар — эртанги ҳаётимиз. Эртанги кунимиз мана шу ёшларнинг қўлида, ёшларнинг ҳаракатида, ёшларнинг қўлида, керак бўлса, қудратида. Қаранг, шундай ҳаракат ҳозир бутун Ўзбекистонимизни қамраб олди. Мен шундан ғурурланаман. Бу ҳаракат, бу интилишни асло тўхтатиб бўлмайди. Лекин унга зарба бериш, ёшларни бу йўлдан қайтариш — ганимларимизнинг ёвуз нияти. Буни ҳам чуқур ўйлаб кўриш, унинг сабаб-оқибатларини ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз зарур.

Душманларимиз шуни яхши билиб кўйсинки, биз ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Ёшларимизни ҳимоя қиламиз!

Агар биз шу ерда бўш келсак, ёш авлод тақдирига бефарқ қарасак, бу кечириб бўлмайдиган гуноҳи азим бўлади. Такрор айтаман: ёшларимизни, болаларимизни, фарзандларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Уларни ўзимиз, ўз қўлимиз билан тарбия қиламиз!

Нега деганда, булар бизнинг фарзандларимиз. Менинг фарзандим, сизларнинг фарзандларингиз. Нима учун мен ўзимнинг боламини қандайдир ақидапараст қўлига, разил ният билан юрган одамларнинг қўлига бериб қўйишим керак?!

Мен қатъий ишонч билан айтаманки, Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион ёшлар менинг болаларим, менинг фарзандларим!

Жиноятчиларни ушлаш, уларни жавобгарликка тортиш, ақли-хушини киргизиб қўйиш — бу ўз йўлига. Бунга мана шу ерда ўтирган тегишли ташкилотлар, органлар, мутасадди раҳбарларнинг кучи етади, мен бунга ишонаман. Халқимиз ҳам ишонади. Биз 1990 ёки 1991 йилда яшаётганимиз йўқ. Ҳарбий кучларимиз, керак бўлса, хавфсизлик ташкилотлари, ички ишлар идоралари, прокуратура, бошқа ташкилотларнинг кучи етади.

Лекин бугунги энг муҳим масала — халқимизни ганимларимизнинг ёвуз ниятлари, ёвуз ҳаракатларидан, хавф-хатардан огоҳ қилиш, эл-юртимизни ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун одамларни жипслаштириш ва олдимизда турган эзгу мақсадлар йўлига бошлашдан иборат.

Бизнинг энг катта таянчимиз — халқимизнинг иродаси, халқимизнинг ишончидир.

Менинг Оллоҳдан сўрайдиганим — эл-юртимизни, унинг тинчлигини, тотувлигини ўзи асрасин, барчамизни паноҳида сақласин.

(«Фидокор» газетасининг 5 август сонидан).

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимнинг мажлиси бўлиб ўтди. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Миржалилов

мажлисни олиб борди. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Жалилов сўзга чиқиб, жамғарма олдига турган долзарб маса-

лаларга тўхталди.

Жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими раиси бўлиб ишлаб келаётган Ҳ. Бахтиёров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди. Мажлисда сўзга чиққанлар Ҳ. Бахтиёровнинг

сидқидилдан қилган меҳнати, жамғарма ташкилотлари фаолиятини жонлантиришдаги хизматларини қайд этишди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Сирғали туман бўлимнинг раиси вазифасида ишлаб келган А. Гадойбоев жам-

гарма Тошкент шаҳар бўлимнинг раиси этиб сайланди.

Мажлисда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р. Файзуллаев, ҳоким ўринбосарлари Ф. Абдурахимова ва Р. Акромовлар иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

ПОРЛАЙВЕР, ВАТАНИМ ИҚБОЛИ — ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ!

ЭРТАГА — МАҲАЛЛА КУНИ

«Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир, дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба — аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва беқиёс макон — бу маҳалладир».

Ислом КАРИМОВ

МАҲАЛЛАНИНГ — ОТА-ОНАНИНГ

Мана, уч йилдирки, Тошкент шаҳар ҳокими-нинг 1997 йил 17 июндаги 117-сонли фармойишига асосан Тошкент шаҳар маҳаллаларининг анъанавий «Маҳалла» кўни тадбири ўтказиб келинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки асрлар бўйи шаклланиб, такомиллашиб келётган маҳалла бўлиб яшаш тарзи халқимизнинг энг ажойиб миллий қадриятларидандир. Маҳалла ҳамиша ўз ҳудудда истиқомат қилувчи ҳар бир оила, хонадоннинг энг яқин сирдоши, маслаҳатчиси, зарур бўлса — ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган тиргак бўлиб келган.

Кўни-кўшнилари ҳурмат, биродарларча муносабат, ёшлар тарбиясида бирдамлик ва ҳамжихатлик, мушкулотлар, муаммоларни биргаллашиб ҳал этиш, қувончу ташвишларни, тўй ва мусибатни баҳам кўриш — маҳалланинг авлоддан-авлодга асраб-авайлаб ўтиб келаётган муҳим анъаналаридир.

Маҳалла туфайли одамлар ёлғизлик кулфатидан халос бўлишган, кучлари етмайдиган ишларни ҳашар йўли билан битириб, ҳожатлари равон бўлган. Ҳар қандай маслаҳатли юмуш маҳалла оқсоқоллари ҳузурда ўз ечимини топган. Етим-есир, бева-бечоралар, ночор оилалар ҳаммиса маҳалла эътиборида бўлиб, улар оқсоқоллар меҳр-муруввати, кўни-кўшни саҳоватидан баҳраманд бўлишган.

Не ажабки, мустақаб шўролар тузуми халқимизнинг шу ноёб олижаноб удумига, инсонпарвар анъаналаримизга ҳам таг заминли зарба беришга интилди. Юзлаб хона-

донлар бир оиладек, ака-ука, опа-сингил, қондош-қариндошлардай яшаб келишган, бир-бирларини беш қўлда танишган бўлса, коммунистик ақидалар уларни аста-секин, бир-бирларини узоклаштира бошлаганди. Коммунистик ахлоқ таъсирида ҳатто кўп қаватли уйларда бир йўлакда яшовчи, хонадонлари рўпарама-рўпара жойлашган кўшнилари бир-бирларини «танимай» қолишди. Қўшқаватли темир эшиклар пайдо бўлиб, одамларни бир-бирларидан беғоналаштирди. Болалар, ёшлар тарбияси ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Бундай нохушликлар оқибати нималарга олиб бориши бир Аллоҳнинг ўзигагина аён эди. Минг шукрки, Аллоҳнинг хоҳиши, халқимиз иродаси билан Истиқлол куёши балқиб чиқди. Унинг биринчи кунлариданоқ халқимизнинг буюк қадриятлари қатори маҳалла анъаналарини тиклашга катта эътибор берилди. Энди фақат қадимий маҳаллалардагина эмас, янги замонавий мазе ва даҳаларда кўп қаватли уйларни ўз ичига олган маҳаллалар пайдо бўлди.

Республика ҳукумати, шахсан юртбошимизнинг ташаббуслари, саъй-ҳаракатлари билан қадимий тарбия маскани, меҳр-мурувват, саҳоват ўчоғи бўлган маҳаллаларнинг барча яхши анъаналарига янгидан ҳаёт бахш этилди. Шу ғамхўрлик туфайли фақат эски анъаналаримиз тикланибгина қолмай, бугунги замон руҳига мос, бугунги кун талабларидан келиб чиқадиган янги-янги вазифалар, удумлар вужудга келди. Бугунги кунда маҳаллалар нафақат қариялар, ёлғиз кишиларга, ногиронларга, балки барча кам таъминланган серфарзанд оилалар жонига оро кирмоқда. Халқимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган уй-жой мулкни асраб-авайлаш, унинг умрини узайтиришда маҳалла кўмиталари ҳал қилувчи роль ўйнаётгани бугун ҳаммага маълум. Безорилик, жиноятчиликка қарши курашда, исрофгарчилик, дабдаба-

бозлик йўлини тўсишда маҳаллалар ўз мавқеларини эгаллаб олишди.

Буларнинг ҳаммаси, албатта, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Маҳалла фаолиятини такомиллаштириш, унинг одамлар тақдирига таъсирини кучайтириш ҳаммиса Президентимизнинг диққат-эътиборларида бўлиб келмоқда. Маҳалла ва унинг обрў-эътибори, таъсирчанлигини оширишга қаратилган Фармонлар, ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида республика парламенти махсус қонун қабул қилди. Шунинг учун ҳам маҳаллалар бутун мамлакатимизда, шу жумладан, пойтахтимизда жамоатчилик бошқарувининг шоҳ тизими сифатида ўз ўрнини эгаллади.

Маҳалла кўмиталари, маҳалла жамоатчилигининг куч-қудрати, айниқса, 16 февраль воқеалари муносабати билан яққол кўзга ташланди. Ватан ва халқига ҳиёнат қилганлар айниқса маҳаллалар тимсолида халқнинг чуқур нафратини ҳис этдилар. Уларнинг ота-оналари ҳам ҳижолатдан ўзларини қўйишга жой тополмай қолишди. Бир сўз билан айтганда, маҳалланинг ҳаёт-бахш куч-қудрати кўз ўнгимизда кун сайин ошиб бормоқда, тинчлик, осойишталик, ижтимоий барқарорликнинг мустақкам кўрғонига айланмоқда.

Истиқлолимизнинг 8 йиллик тантаналари яқинлашаётган ҳозирги дамларда маҳалла кўмиталари, фаоллар шу улуг неъмат ато этган бахтни, ёруғ кунларни қалбдан чуқур ҳис этиш ва унинг қадрига етиш борасида омма орасида муҳим тарғибот-ташвиқот ва ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар.

Маҳалланинг энг яхши анъаналари тиклангани, унинг замон руҳига мутаносиб равишда мутасил бойиб бораётгани, инсонпарвар демократик фуқаролик жамиятининг муҳим тимсоли сифатида ўз такомилга эришаётгани — Истиқлол айёмига энг муносиб тўхфа десак, муболаға бўлмас.

«ЎРИКЗОР»ГА

КЕЛИБ

БИР

КЕТИНГ

Юртимизнинг мустақилликка юз тутгани бошқа соҳалар каби маҳаллаларимизнинг ҳам ривожланиб, обод ва гўзал қиёфага киришига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мақомини олиб, том маънода Ватан ичра Ватанга айланишига имкон яратди. Ҳозир шахримиздаги қайси маҳаллага борманг ёшариш, янгилашига юз тутаетганининг гувоҳи бўласиз. Жумладан, дастлабки пойдевори бундан ўн йилгина олдин қўйилган «Ўрикзор» маҳалласи шу ўтган қисқа муддат ичида шахримизнинг энг гўзал, улғувор маҳаллаларидан бирига айланди. Эътиборга лойиқ шомони шундаки, бу ерда амалга оширилган барча ишларга шу маҳалланинг кўп йиллик оқсоқоли, матонатли аёл Раъно опа Қосимова бош-қош бўляпти.

— 1989 йил — юртимизда ошкоралик ва хурриятнинг илк шамоллари эса бошлаган пайтда уй-жойдан сиқилиб, қийналиб қолган ҳамшаҳарларимизга уй-жой учун давлат ҳўжалиги ҳудудидан ер ажратила бошланди, — деб ҳикоя қилади Раъно Ҳамзаевна. — Ўзимиз йиғилиш ўтказдик. Ҳақиқатан ҳам, сув, электр, қурилиш материаллари йўқ эди. Шу кун кум, ғишт, цемент, тош, ёғоч-тахта каби қурилиш материаллари таъминоти масаласи ҳал қилинди. Худуд учта микрорайонга бўлинди.

Уша вақтларда мен ўқитувчиликдан сўнг пенсияга чиққан эдим. Мени иккинчи микрорайонга раҳбар этиб сайлашди. Ђишт завод»лари, дўконлар ва базалар тақсимланди. Иш қайнаб ётарди. Қишда кирза этик кийиб ишладик. Зарур бўлган вақтларда шаҳар ижроия кўмитаси ёки капитал қурилиш бош бошқармасида бўлдик. Яланғоч ёки Янгийўлдаги ғишт заводига югурдик. Хуллас, юртбошимиз ёрдамларида чирок, сув ва қурилиш материалларига эга бўлдик.

1990 йил сентябрида маҳаллага «Ўрикзор» номи берилди, ташкилий кўмита йиғилиб кўпчилик таклифи билан мени оқсоқол этиб сайлашди. Иш режали ташкил этилгани, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлагани сабабли, «Ҳаракатда—баракат», деганларидай 2,5 минг хонадон ва 8 минг аҳолига эга бўлган «Ўрикзор» даҳаси (1994 йили алоҳида «Мустақиллик» маҳалласи тузилди) электр, газ, каналлация билан тўлиқ таъминланган, кўчалари асфальтланган, АТС қуриб ишга туширилган, йўлчиноқ ўрнатилган чиройли гўшага айланди. Ҳозир даҳада маиший хизмат кўрсатиш нуқталари, сузиш ҳавзасига эга 2 та мактаб, 3 та болалар боғчаси бор.

— Бизда кўпинча аёллар уй-рўзгор юмушлари билан банд бўлишади. 9 йилдан бери оқсоқол сифатида «Ўрикзор» маҳалласини бошқараётган экансиз. Бу шахсий ҳаётингизда қийинчилик туғдирмаётгани?

— Очигини айтганда, менда ташкилотчилик қобилияти туғма бўлса керак. Ўзим 30 йиллик педагогик фаолиятим давомида директорлик лавозимига кўтарилдим. Ўрикзордан ер олганимиздан сўнг яна ташкилотчилик ишларига жон-жаҳдим билан киришиб кетдим. Энг муҳими, уй-жойдан тинганман, уйда турмуш ўртоғим барча ишларга бош-қош бўлса, тўртта келиним барча рўзгор юмушларини қойиллатишди. Шу сабабдан бутун вақтимни маҳалла ободлиги учун сарфляппман. Маҳаллада махсус режа асосида ишлаймиз. Маҳалламизда 22 та кўча бўлиб, фаоллардан кўчабошилар сайлаганмиз. Бири спорт, бошқаси маданият, учинчиси ободонлаштириш, бошқаси санитария масалалари билан шуғулланишади. Ҳар ойда бир марта йиғиламиз ва унда фаоллар қилинган иш-

лар юзасидан ҳисобот беришиб, кейинги ой учун режалар белгиланади.

Яқинда сардори билан 20 кишилик маҳалла посбўнларини сайладик.

Албатта, бугунги кундаги энг долзарб бўлиш ёшларимизни спортга жалб этиш ишларига ҳам муҳим аҳамият қаратяпмиз. Бундан тўрт йил олдин болалардан тузган «Ўрикзор» футбол жамоамиз яқинда шахримиз маҳаллалари ўртасида ўтказилган «Болаларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз» турнирида биринчи ўринни эгаллади.

Теннис кортига жой ажратилиб, дастлабки ишлар бошланиб кетди. Насиб этса уни келаси йил Мустақиллик байрамига фойдаланишга топширмоқчимиз. Бундан ташқари ташландик бўлиб ётган 4 гектар жойга ҳашар йўли билан спорт майдончаси қурмоқчимиз. Бу ишларда бизга «Қуддус», «Қалдирғоч», «Азиз» фирмалари яқиндан ёрдам бермоқда.



— Аёллар йилини ҳам муносиб равишда ўтказаетган бўлсангиз керак?

— Республика хотин-қизлар кўмитаси пленуми аъзоси сифатида фаол аёллар билан маҳалламизда аёллар муҳофазаси, уларни иш билан таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ишларига ҳам катта аҳамият қаратяпмиз. Ўтган йили маҳалла хотин-қизлар кўмитаси шаҳар миқёсидаги танловда ғолиб чиққан эди. Бу йил ҳам режаларимиз улкан. Жумладан, Аёллар йилига бағишлаб халқаро К. Аденгауэр фонди билан ҳамкорликда уч кунлик семинар ўтказдик. Яқинда аёлларимиз учун маҳалламизнинг хусусий автобусида Имом Бухорий мажмуасига зиёрат сафари уюштирдик. Маҳалла шифохонаси қошида ташкил этилган «Қизлар клуби» қизларни оила қуриш, турмушга тайёрлашда жуда қўл келмоқда. Маҳалламиздаги қандолат, мебель, тикув цехлари, АТС ва «Карвон бозор» орқали барча аёлларимизни иш билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз.

— Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тўйига бағишланган ўзига хос режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Бу борадаги энг катта режамақиллик — «Мустақилликка — мустақил оила» шiori остида отаси йўқ, онаси ногирон бўлган Дилмурод исмли йигитнинг никоҳ тўйини маҳалла ҳисобидан ўтказиб бермоқчимиз. Маҳаллага ариқ сувларини олиб қиряпмиз. Турнир ғолиби бўлган футбол жамоамизни табриклаб, бош-оёқ футбол кийимларини тақдим этамиз. Маҳалламиз автобусида Имом Бухорий мажмуасига аҳоли зиёратини ташкил этамиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ сўхбатлашди.



Собир Раҳимов туманидаги «Чимбой» маҳалласига қарашли «Сағбон» гузари.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган «Виза» ижара корхонаси жамоасида янги маҳсулот тури — тиббиёт ва парфюмерия саноати учун шиша идишлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхона цехларида ўрнатилган янги замонавий дастгоҳ асосида сифатли ва керакли ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Бозор иқтисодиёти шароитида изланиб ишлаш, маҳсулотларнинг харидоргир турларини яратиб, мамлакатимиз иқтисодиётига ўзининг муносиб улушини қўшиш ҳар бир жамоа олдида турган муҳим вазифалар сирасига киради, — дейди ижара корхонаси раҳбари Валерий Шубодеров. — Шу боис корхонамизнинг 130 кишилик жамоаси харидор талабидан келиб чиқиб фаолият кўрсатмоқдалар. Ўтган қисқа давр давомида маҳсулотларимиз тури 30 тадан ортиб кетди. Айниқса, кундалик турмушда асқотадиган турли қайнатгичлар, электр чайнақлар, қандилларнинг бир неча хи-

ли, электр дазмоллар асосий маҳсулотларимиз қаторига киради. Албатта, янги маҳсулот турларини яратиш учун янги технология — замонавий дастгоҳлар зарурлигини жуда яхши биламиз. Ана шунинг учун ҳам барча имкониятларни ишга солиб, цехларимизни рақобатбардош дастгоҳлар билан жиҳозлашга интиляпмиз.

Ўтган йилда 41 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, 3,5 миллион сўмликдан ортиқ соф фойда олишга эришган жамоа аҳли ушбу йилда 70 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга буюртма қабул қилишган. Айни кунларда эса улар ана шу эзгу ният йўлида меҳнат қилишиб, буюртмаларни ўз вақтида адо этишмоқда. Республикамиз Мустақиллигининг 8 йиллигини меҳнатда муваффақиятлар билан кутиб олишга аҳд қилган корхона аҳли, бугун ана шу мақсад йўлида самарали иш юритмоқда.

Дилноза ФИЁСОВА.

БУЮРТМА АСОСИДА ИШЛАШАДИ

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош ва шу куннинг талабига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаса унда инқирозга юз тутуши мумкин. Шу боис шахримиздаги кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, жаҳон андозалари талаби даражасида иш юритишга ўтишмоқда.

«Юлдуз» акционерлик жамияти эркаклар ва аёлларнинг устки кийимларини тикиши ботида юртимиздаги ягона корхона саналади. Бу жамоа ҳам айни вақтда иш тизимларига бирмунча ўзгартиш киритди. Ўттиз кишидан иборат бўлган яқка буюртма цехига замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, янги иш ўринлари жорий этилди. Эндиликда бу цех тажриба тикув цехи деб юритилиб, унда 150 нафар фуқаро меҳнат қила-

ди. Улар нафақат эркак ва аёллар, балки болалар устки кийимларини замонавий усулда тикиб чиқаришади. Буюртмаларнинг сифатли тикилишида цех бошлиғи Клавдия Ковалева, конструктор Елена Глинская ва бошқа етук мутахассисларнинг хизматлари катта. Шунинг учун бу цехда тайёрланган маҳсулот бошқаларидан бирмунча фарқ қилиб туради.

Гулбахор МҰМИНОВА.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимлиги мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуаси эскиз-ғоясини тайёрлаш юзасидан очиқ танлов эълон қилади. Хотира мажмуасини шахримизнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув дарёси қирғоғида бунёд этиш мўлжалланмоқда.

Танлов 1999 йил 9 августдан 15 сентябрга қадар ўтказилади.

танлов шартлари билан танишиш мақсадида Тошкент шаҳар Меъморчилик ва шаҳар қурилиши бош бошқармасига П. М. Ҳақимжоновга 41-34-30 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.



ШАРАФЛИ КАСБ СОҶИБАСИ

Бугун аёлларимизнинг меҳнати ҳар жабҳада юксак самара бермоқда. Айниқса, Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармонида кўра жорий йилнинг Аёллар йили деб эълон қилиниши ҳамшаҳар аёлларимизни ҳам руҳлантириб юборганлиги уларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқларидан кўришиб турибди. Пойтахтимиз қурилиш майдонларида эркаклар билан бир сафда меҳнат қилаётган моҳир бунёдкор Гулсун Ҳасанова ҳам ана шундай гайратли аёллардан биридир.

— Гулсун опа, машаққатли, аммо шарафли касбингиздан мамнунмисиз?

— Нафақат мамнунман, балки касбим билан фахрланаман. Шу боис ҳам 25 йилдан буён пойтахтимиздаги «159-трест» ҳиссадорлик жамиятининг 53-қурилиш бошқармасининг пардозловчилар бригадасида меҳ-

нат қилиб келяпман. Яна шундан мамнунманки, юртимиз Мустақилликка эришгач, ҳамма жойда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Тошкентимизда қанчадан-қанча мухташам бинолар кўрк очди. Бу ишларда мен ва ҳамкасбларимнинг ҳам муносиб улушлари борлигидан қувонаман. Айни кунларда эса 1 сен-

тябрда фарзандларимизни ўз бағрига оладиган қурилиш-коммунал коллежи янги биносининг қад ростлашига ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз.

— Байрам арафасидаги ниятларингиз....

— Истардимки, яхши ният билан бунёд бўлаётган гўзал ва кўркам иморатларимизнинг пойдевори мустаҳкам бўлсин. Бутун дунё таниётган юртимизга кўз тегмасин. Биз бунёдкорлар эса шундай мухташам иморатлар қурайликки, нафақат мамлакатимиз аҳолиси бундан яйрасин, балки жаҳон аҳли ҳам кўрганда ҳавас қилсин.

Шарифа ИЛЁСОВА.
Рустам Шарипов
олган сурат.

БУНЁДКОРЛАР ТУҲФАСИ

Пойтахтимиз Тошкент кундан кунга яшнаб ва яшайиб жаҳоннинг энг кўзга кўринган шаҳарларидан бирига айланиб бораётгани дилларимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Улкан бунёдкорлик самараси — шахримизнинг ўзгача жамолини кўриб кўз қувнайди. Ана шундай дамларда ёзнинг саратоний қишининг қаҳратонига ҳам бардош бериб, гайрат-шижоат билан қад ростлаётган ҳар бир бинога муносиб улуш қўшаётган толмас кўлли қурувчиларнинг меҳнатлари тасаннолар айтасан.

Пойтахтимиз қурилиш майдонларида меҳнат қилаётган ҳар бир бунёдкор Мустақиллик байрамини муносиб ютуқлар, янги бунёд этилган иморатлар билан кутиб олишмоқда.

Бу борада «Тошкентўйжойинвестқурилиш» корпорацияси ташкилотларининг ҳам бажарилаётган ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу жамоанинг 18 мингга яқин бунёдкор ва ишчи-хизматчилари жорий йилнинг ўтган ярмида шаҳар

буюртмачилари бўйича ўз шартномавий мажбуриятларини бажариб, 111,9 минг квадрат метр биноларни, 480 ўринли болалар боғчаларини, Янгиобод мактаб ҳовузини, Космонавтлар шоҳқўчасидаги офисни, Марказий банк биноси ва бошқа қатор объектларни фойдаланишга топширдилар. Корпорация жамоаси бозор иқтисодиёти даврида қурилишда ҳам ислохотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни даврда корпорация таркибида 25 та очик турдаги ҳиссадорлик жамияти, 2 та давлат тасарруфидаги корхона ва битта хусусий фирма фаолият кўрсатмоқда. Замонавий ва шарқона кўринишдаги биноларни бунёд этишда хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Чет давлатлар билан шерикликда 3 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Корпорация ташкилотлари пудрат ва лойиҳа ишлари бозорини шакллантириш мақсадида тендер савдоларида иштирок этмоқдалар. Тендерлар учта ташкилот, 5 та объектни қуриш бўйича буюртма олдилар. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 28 ноябрь 1998 йил 375-сонли қарорига биноан корпорация ташкилотлари 3 та лицей ва 2 та коллеж қурилишини жадаллик билан олиб боришмоқ-


да. Насиб этса, улар янги ўқув йилида ўз эгаларига топширилади.

Иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларидан бири — объектлар қурилишини «калитини тақдим қилиш» шартида олиб боришдир. Ушбу шарт билан корпорацияда сертификат уйлар қурилиши пудратчи ва «Уйжойжамғармабанк» ўртасидаги иккиёқлама шартнома асосида олиб борилмоқда. 1999 йил дастурида «калит тақдим қилиш» шарти билан 480 хонадонга мўлжалланган 21 та турар жой биноси қурилмоқда. Бундан ташқари шундай усулда «12-қурилиш трести» ҳиссадорлик жамияти томонидан Матбуотчилар кўчасида офис биноси, Беруний кўчасидаги Биржа маркази қурилмоқда. «Сифат» ҳиссадорлик жамияти томонидан эса шу усул билан Абай кўчасидаги солиқ инспекцияси биноси бунёд этилади.

Бунёдкорлар тобора яқинлашиб келаётган Республика Мустақиллигининг 8 йиллик байрамига ажойиб туҳфалар тайёрлашмоқда. Қутлуғ байрам арафасида Тошкент Давлат цирки, Вазирлар Маҳкамаси бинолари, Ислам университети комплекси, Юнусобод, Бектемир туманларидаги ҳамда Кадишев даҳасидаги бозорларни фойдаланишга топширадilar. Бунинг учун эса қурувчилар айни долзарб паллада ўзгача куч ва гайрат сарфлашмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



ДУШАНБА, 9

Телеомонабилар диққатига!
Профилактика муносабати билан
Душанба, 9 август куни «Ўзбекистон» I телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 16.00 гача ЎзТВ-II «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилади.

ЎзТВ I

16.00 «Нақадар тогли сўз «Озодлик». «Шериярак». Бадийий фильм. 2-серия.
17.05 «Ифтихор».
17.20 «Бир наво истар кўнгил». Мусикий дастур.
17.45 «Тошкент ва тошкентликлар».
18.00 Янгилликлар.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи». Тележурнал.
18.25 «ТВ патруль».
18.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига.
«Шарқдан нур».
Н. Кубро.
19.00 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.15 Ёшлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бахмал». Манзарали фильм.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига.
«Истиқлол нашидаси».
21.15 «Тан олинаётган ҳақиқат». Публицистик кўрсатув.
21.45 Муқаррама Турғунбоева номидagi «Баҳор» рақс ансамблининг концерти.
22.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.20 «Ахборот».
23.50 «Мянавият» дастури.
00.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 71-қисм.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлилнома».
8.40 «Куйлардан қўшиқларга».
9.05 «Узлик». Бадийий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 7-серия.
10.00, 12.00, 14.00 Янгилликлар.
10.05 «Иқтисод ва биз».
Болаларнинг ёзи таътил кунларида:
10.30 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.50 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
11.10 «Эртақлар — яхшилик етаклар».
12.05 «Шоҳрух» клуби.
12.35 «Санъат олами».
12.55 Ватан тимсоллари.
13.00 Дил тароналари.
13.35 «Баркамол авлод орзуи».
14.10 «Маслак ва мақсад».
14.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
15.05 «Оила». Тележурнал.
15.35 Ватан тимсоллари.
15.40 «Бу ажиб дунё».

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ким энчил-у, ким чакон», Мультмошоа)
18.40 Уктам Аҳмедов куйлайди.
18.55 «Истиқлол менинг тақдиримда».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Душанбада кўришгунча».
19.45, 20.35, 23.45 Ёшлонлар.
19.50 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.40 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 «Ўзбекистон — Ватаним меним!». Кўшиқ танлови.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Муносабат».
21.55 «Сурур». Мусикий дастур.
22.00 «Энг улуг, энг азиз» танлови:
«Буюк юрт фарзандиман».
22.20 «Хайёл».
22.40 «Маслаҳат».
23.10 «Олам футбол».
23.30 «Шарқ эстрадаси».
23.50 Синема. «Инспектор Морз».
01.35 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Баҳодир Шоҳ Зафар». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва маъсулият».
20.15 Телефакт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бумеранг».
21.45 «Спорт-тайм».
22.10 «Биз Сизга бахт тилаймиз».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оханлар ва ёшлонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Хайрли тун, шахрим!»

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгилликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.

17.00 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Атиргул гунчаси». 2-қисм.

Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Каламбур». Юмористик журнал.
17.50 Душанба куни Познер билан.
«Никобдаги киши» дастури.
18.30 Андрей Миронов, Анатолий Панапов ва Ролан Биков «Ун икки стул» фильмида. 1-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изхори».
21.30 «Спорт-клуб».
21.45 «Сиз кутган учрашув».
22.00 «Вести».
22.35 Киносанас. «Судья Дредд». Бош ролда — С. Сталлоне. Бадийий фильм.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

Соат 15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусикий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эхтирослар асирлигида». Телесериал (Мексика).
17.35 «VIP» студиясининг мехмони.
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусикий дастур.

18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал (Мексика).
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да киноқшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал (Германия).
24.00 «XL-music». Мусикий-дам олиш дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 00.10 — Янгилликлар.
8.15, 16.00 — «Севги йўлида». Сериал.
9.15 «Останкино» концерт студияси тақлиф этади. Александр Ширвиндт.
10.15 «Инсон ва қонун».
10.50 Мультсеанс.
11.15 «Сихат-саломатлик».
11.40 Георгий Бурков, Эммануил Викторган ва Армен Жигарханян «Касби — терговчи» детективида. 1-серия.
12.55 «Аралаш-куралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
13.05 «Фантом-2040». Мультсериал.
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.15 «Гарри — қор одам». Комик сериал.
14.40 Мультсеанс.
14.55 «Юлдузли онлар».
15.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
17.15 «Каламбур». Ҳажвий журнал.
17.50 Душанба куни Познер билан.
«Никобдаги киши» дастури.
18.30 Андрей Миронов, Анатолий Панапов ва Ролан Биков «Ун икки стул» фильмида. 1-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Тоглик-IV». Саргузашт сериал.
21.35 «Нигоҳ».
22.20 Кино чизиги. Евгений Урбанский «Мусаффо осмон» фильмида.

РАТ

6.00-8.45 «Хайрли тонг, Россия!».
6.20 «Ҳамманинг оғзиди».
6.45 «Кўрсатувлар дастури». Телевизион.
8.15, 17.55, 22.50 — «Навбатчи қисм».
8.45 «Товарлар — почта орқали».
9.10 «Миледар». Телесериал.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.45 — «Вести».
10.35 «Кичик дайди». Телесериал.
11.30 Мультфильмлар.
11.45 «Рус лотоси».
12.30, 23.25 — «Дивандаги дўкон».
13.30 «Антонелла». Телесериал.
14.20 «Еввойи фаришта». Телесериал.
15.10 «Музыка, музыка...».
15.25 «Гомеопатия ва саломатлик».
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.30 «Минора».
16.55 «Сирларимизнинг ёз фасли». Телесериал.
18.30 «РДТ почтаси».
19.35 Евгений Леонов, Вячеслав Невинний ва Георгий Видин Леонид Гайдайнинг «Гургурта кетиб» комедиясида.
21.25 «Акуна матата».

ТВ-6

7.55, 14.05 — «Кундан-кунга».
9.40, 19.10, 00.45 — «Йул назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТСН-6».
10.10, 01.10 — «Кимки...».
10.25 «Юлдузлар юлдузлар ҳақида». Владимир Асимов.
10.50, 13.45, 15.50, 16.15 — «Харидингиз учун ташаккур!».
11.00 «Спартак — чемпиони!».
11.25, 13.20, 16.05 — Мультфильмлар.
12.05 «Ҳафта можаролари».
12.35 «Обоз».
16.40 «Оддий Мария». Сериал.
17.30 «Сирли саргузаштлар». Мультсериал.
17.55 «Тайёрмисиз ёки йўқ». Усмилар учун сериал.
18.25, 01.25 — «Диск-канал».
19.30 «Оловдаги Грейн III». Ҳажвий сериал.
19.55 «Ҳимоячи». Сериал.
21.00 «Шу куннинг янгилликлари».

21.30 «Одамлар оламида». «Тошкент. Февралдаги 5 та портлаш».
23.10 «ТВ-6» кинотеатри. Лесли Нильсен «Харт турадиган уй» комедиясида (Канада).
02.00, 02.15 — «Сифат белгиси».

СЕШАНБА, 10

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Севги васфи». Мусикий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 71-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
Болаларнинг ёзи таътил кунларида:
10.25 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.45 «Шоирлар — болаларга».
11.10 «Санъат гунчалари».
11.40 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Таъсис» дастури намойиш этади: Табиат хавф остида туркумидан. «Гиппопотам».
12.35 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ ҳофиси Мухаммадҷон Каримов.
13.25 «Ханда дўкони».
14.10 «Кишлоқ ҳақида ўйлар».
14.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ватаним — лозарим бор». Мусикий дастур.
15.00 «Мянавият» дастури.
16.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Эйтироф».
16.20 «Жабранувчиларнинг даъвоси йўқ». Бадийий фильм.
17.45 «Спорт-клуб».
18.10 «Инжик малика». Мультфильм.
18.20 «Кўзгү». Тележурнал.
18.45 1999 — Аёллар йили. «Шарқнинг машҳур аёллари».
19.05 «Тафтишии ёки таъма?»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 ЁШЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Истиқлол фидойилари». «Фитрат» («Ўзқинохроника»)
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Энг улуг, энг азиз» танловида.
«Мулкдор».
21.35 «Санъатим — саодатим». Мусикий дастур.
22.05 «Узлингиз намоеён қил!». Экранда — Қашқадарё вилояти.
22.40 «Келин-куёв». Телешоу.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Комиссар Берлохнинг сўнгги иши». Бадийий фильм.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгилликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.

17.00 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртақлари. «Жонли сув». 1-қисм.
17.15 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
17.30 «Мавзу».
18.10 «Интернет худуди».
18.35 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.30 «Ун икки стул». 2-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изхори».
21.30 «ТВ-4»да «Немис тўлкини».
21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8-йиллигига. «Эйтироф».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф: «Жаноб Ҳиндис-тон». Бадийий фильм.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
01.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Мусикий тонг». Мусикий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
11.20 Тонгги киносанас.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал (Мексика).
14.10 Кундузги киносанас.
15.30 Мусикий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «30-канал»да премьераси. «Айбдорлик». Телесериал (Мексика).
17.35 «VIP» студиясининг мехмони.
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусикий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусикий дастур.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да киноқшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал.
24.00 «Мусикий вернисаж». Мусикий-дам олиш дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.45 — Янгилликлар.
8.15, 16.00 — «Севги йўлида». Сериал.
9.15 Евгений Петросяннинг «Кулги панорамаси».

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

9.50 «Хонаки кутубхона».
10.00 «Самовий урушлар». Сер.
10.50 Мультсеанс.
11.15 «Хайрли кун!».
12.00 «Касби — терговчи». Дет.
12.05 «Фантом-2040». Мультсериал.
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.15 «Гарри — қор одам». Ксқ сериал.
14.40 Мультсеанс.
14.45 «Бахтли тасодиф».
15.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
17.15 «Аралаш-куралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
17.30 «Мавзу».
18.15 «Шу ерда ва ҳозир».
18.30 «Ун икки стул». 2-серия
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Аммо...»
20.50 Олег Стриженов «Судлаган» фильмида.
22.25 Ирина Архипова «Хотинлар билан содир булган воқеа» дастурида.
22.55 «Қоп-қора осмон». Сер.
16-серия.

РАТ

6.00-8.45 «Хайрли тонг, Россия»
6.20 «Ҳамманинг оғзиди».
6.45 «Кўрсатувлар дастури». Телевизион.
8.15, 22.25 — «Навбатчи қисм».
8.45 «Товарлар — почта орқали».
9.10 «Миледар». Телесериал.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.45 — «Вести».
10.35 «Кичик дайди». Болалар эртақлари.
11.30 «Менинг оилам».
12.30, 23.35 — «Дивандаги дўк».
13.30 «Антонелла». Телесериал.
14.25 «Еввойи фаришта». Телесериал.
15.10 «Музыка, музыка...»
15.25 «Гомеопатия ва саломатлик».
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.30 «Минора».
16.55 «Сирларимизнинг ёз фасли». Телесериал.
18.00 Ҳужжатли фильм.
18.25 «Бир боқишда муҳаббат»
19.35 Даниел Бернхард «Қор спорт-III» жангари фильми (АҚШ).
21.20 «Урмас Отт Роман Карп».
23.20 «Европа-99» Россия филларининг Виборо фестивали.

ТВ-6

7.55, 14.05 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.10, 00.45 — «Йул назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТСН-6».
10.10, 01.10 — «Кимки...».
10.25 «Биз». Ҳажвий кўрсатув.
10.50, 11.55, 13.50, 16.15 — «Ридингиз учун ташаккур!» телекони.
11.00 «Ҳимоячи». Сериал.
12.05 «ТВ-6» кинотеатри. Хичкинги юбилейига. «Саботаж» дет. тивги (Англия).
13.25, 16.05 — Мультфильмлар.
16.40 «Оддий Мария». Сериал.
17.55 «Шерлок Холмсининг сарзаштлари». Усмилар учун сери.
18.25, 01.25 — «Диск-канал».
19.30, 02.30 — «Оловдаги Грейн III». Ҳажвий сериал.
19.55 «Ҳимоячи». Сериал.
21.00 «Шу куннинг янгилликлари»
21.30 «Мистер Бин». Ҳажвий риал.
22.25 «Одамлар оламида».
23.00 «ТВ-6» кинотеатри. «Сопган вақт». Жангари фильм.
01.00 «Шу куннинг олти янгиллиги»
02.00 «Хамроҳ». Сериал.
02.20 «Сифат белгиси».

«Ойна жаҳон» кўрсатувлари давоми билан «Оқшом»нинг 9 августда чиқадиган навбатдаги сонидани танишасиз».

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ОМАДИНИТИЗ КЕЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР АЁЛЛАР ЙИЛИГА
БАҒИШЛАБ «МЕҲР-МУРУВВАТ» пуллик лотереяси
билетлари сотувга чиқарилди. Лотереядан тушган барча
маблағлар кўп балалик ҳамда кам таъминланган оилаларга
ижтимоий ёрдам сифатида сарфланади.

Мурувватингизни дариг тутманг ва лотереямизда
иштирок этиб, савобли ишга ўз ҳиссангизни қўшинг.

1999 йил 18 декабрда
ўтказилган дуклар
тиражиди ЮЗ сўмдан
МИЛЛИОН сўмгача бўлган
пул ютугининг соҳиби бўлиш
имкониятингиз бор.

Лотерея билетларини алоқа
булимлари, матбуот шохобчалари
ҳамда жамоат
тарқатувчиларидан харид
қилишингиз мумкин.

**«МЕҲР-МУРУВВАТ»
ЛОТЕРЕЯСИДА ОМАД СИЗГА
ЁР БЎЛСИН!**



«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий
эълонлар ва хусусий бизнес бўйича
эълонларни, шунингдек таъзияларни,
таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар
муносабати билан қўтловларни, никоҳ
эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз
саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари
ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул
қилинади.

Маълумотлар учун телефон:
133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,
32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

«Ўзбеккино»
Давлат акци
нерлик комп
нияси ва оқ
турдаги «Ўзбе
фильм» акци
нерлик жамият
жамоаси кино
тудиянинг мо
таж устаси Ад
ба Носирова
отаси, киност
диянинг кекс
овоз оператор
Карим
БЎРИБОЕВНИ
вафот этганлиг
муносабати би
лан чуқур та
зия изҳор қил
ди.

Ховли, 7 сс
тих, марказде
Т. 67-44-93

ЖАВОҲИРЛАР САНДИФИ

Келтирибдурларким Балх шахрининг шаҳаншохи бор эрди. У зиёда хушхулқ, иқболи баланд, лашкари беадад эрди. Ҳазрат Ҳаллоқи олам бу давлатга муносиб бир фарзандни ато айлаган эрди, номини шаҳзода Муслим дердилар. У ҳар фунунда моҳир эрди. Шаҳзода Муслим ўн тўрт ёшга кирди, отасидан бўлак дастгоҳ айлаб, ақли расола билан мажлис тузиб, инъом-эхсонлар бирлан элнинг дилларини шод ва доноларни қайғудин озод айлар эрди. Агар бирор жаҳонгашта сайёҳ бўлса, уни олиб келиб дунёдин бениёз айлаб, кўрган ва эшитганидан сўзлатиб эшитур эрди, панду насиҳатлар хосил қилур эрди.

Бир куни Ҳиндистондин кўп савдогарлар келдилар, ҳаммалари карвон саройга тушдилар. Ул савдогарлардан бири кўп ҳадылар бирлан шохнинг ҳузурига келди. Баъдаз обу таом шох савдогарни сўзга тутди. У яхши жавоблар бериб, андоғ хушгўйлик айладики, эшитганлар анинг ҳозиржавоблигига таҳсин ва офаринлар айтдилар.

Шох савдогарга инъомлар бериб кузатди. Бу суҳбатлар асносида шаҳзода Муслимнинг надимларидин бири ҳозир эрди. Ул шаҳзода ҳузурига бориб савдогарни таъриф ва тавсифлар қилди. Шаҳзода дарҳол карвонсаройга киши юбориб, ул савдогарни олдириб келди, кўп иззат-икромлар кўрсатиб, инъомлар берди. Шаҳзода дедик, эй ота, олам ажойиботларидан кўрган ва эшитганингиз бўлса дариг тутманг деб, илтимос қилди. Ул савдогар дедик, агар мен сўзласам мабодо зоти шарифингизга малолати етса бу бандани маъзур тутгайлар деб узрни ўртага солди. Шаҳзода яна илтижолар қилиб дедик, бирор сўз демасангиз қўймасман. Ул савдогар бироз тафаккурга боргач сўз бошладики, кўрганимдин баён қилайин деб, сўз бошлади. Бу дуоғўйлари Бангола вилоятидин бўлурман, то бу дамгача ишим тижорат айламақдур. Бул сафар Ҳиндистоннинг фалон шаҳарига бориб, юкларни бойлаб карвон бирлан бул шаҳарга келиб, саройга тушдик. Манинг юриш-туришим ўзгача эрди: ҳамиша икки ғулом жиловимда, яхши отларга миниб, саруполарим ҳам ўзимга муносиб эрди. Дастурхоним ҳамиша ёзиғлик эрди. Бир куни бир неча савдогарларни хужрамда меҳмон айлаб ўлтириб эрдим. Бир савдогар сарой дарвозасидин кириб келди, икки ёнида бештадан ўнта зулфдор ғуломлар, ҳаммаси заррин камар. Хожанинг оти ва бош-оёқ либосининг баҳоси йўқдур. Тўғри келиб каминанинг хужрасига тушди. Мен то намозшомагача зиёфатлар айлаб, бойга от миндириб, ғуломларга саруполар бериб узатдим. Менга дедик, эй биродар бизнинг маовамизга (уйимизга) фотиҳа лозимдур деб, равона бўлди. Сарой ахли дедиларки, бу вилоятда мундин ўтар бой киши йўқдур деб тавсифлар қилур эрдилар. Яна бир куни икки ғулом келиб таклиф айлаб, то шом вақтигача ўлтириб, бой хиндунинг уйига олиб бордилар. Бир олий дарвоза, ҳаммаси заррин ва нигориндур, ҳар хил иморатлар кўпдур. Бир улуг тўрт харилик уйга олиб кирдилар, ҳамма деворлари нақшинли, турли ажнослар атрофига терилибдур. Ўртасида бир баланд суфани ясабдурлар. Ул суфа узра ўлтиргизиб кўп нозу неъматларни ҳадин зиёда тортилар. Бир оз фурсат ўтгач, ўн адад паричеҳра канизлар кириб келдилар, ҳаммасини қўлида танбурдур, салом айлаб бир томонга ўлтирдилар. Яна ўн адад канизлар салом айлаб кириб келдилар, булар ҳам бир томонга ўтирдилар. Яна ҳар ўнтаси ўз хунарларини кўрсатиб ўтабердилар, ўн-ўндин тўрт юз каниз бўлдилар. Ҳар ўннинг либослари бир хил рангдадур ва бир хил хунардадур. Тонг отди, бой хинду дедиким, эй биродар бу тўрт юз канизларга тўрт юз ғуломлар ҳам бордур, ҳаммаси зарҳаридимдур (олтинга сотиб олган). Ҳар бирига бул канизлар ҳаволадур. Ҳамма ғуломлар савдогардурлар, юзи келса яна юзи сафарга чиқар мен эса ҳамиша айшдадурман деб, нонуштадин сўнгра менга инъомлар бериб узатди. Мен карвон саройга бориб, ўз ишим билан овора бўлдим.

Бир куни ғулом келиб, яна хиндунинг уйига олиб борди, бир ўзга қасрга олиб кирди. Аввал кўрганимдан неча ҳисса зиёдадур, ул жойда зиёфат қиёмига келди. Ярим кечага яқин эрди бой хинду ўзининг хос канизагига буюрдик, олиб келинлар деб, канизлар жавоб бердиларки, бизларга келмайду! Бой хиндунинг ўзи туриб ташқарига чикди. Кўп ўтмай бой хиндуни ўзи келди, орқасидин бир офатихон келиб, салом айлаб юқорига ўтиб ўлтирди. Мен дедимки гўёки булут орасидан офтоб чикди ёки ой осмондин тушиб бу уйга киргандек бўлди. Агар юз йил тавсиф айласам ҳам камдур. Муаттар кокиллари қаддидин узундур. Мен сўрадимки бул гавҳари яқони исми нимадур? Дедиларки Маликаи Ҳазоргийсудур ва лекин кайфияти яхши эмасдур. Бой хинду дедик, эй сарви нозим меҳмон таъбини шод айлагил. Ул зебо санам бир-икки пиёла бодайи нобдин нўш айлаб, ани нашъаси тобидин жамоли яна зиёда бўлди. Қўлига чангни олиб соз айлаб наво-ни фаслидин тушиб то баёт талқин рубоъихонлик бирлан оҳиста замзама айлаб жўр қилдики, агар ҳазор достон андалибваш бўлса ҳам ҳижолатга қолур эрдилар. Ҳамма ҳозирлар беҳуш бўлиб эрдилар. Бой хинду бодайи ноб тобидин маст бўлиб ҳар зоя (бемаъни) сўзларни деб эрди. Ул ошуби замон чангни ерга қўйиб, менга боқиб дедик, эй хожа, мен каниз эмасдурмен. Кашмир шохининг ёлғиз жигаргўшасидурмен. Сабабларга кўра бу хиндунинг қўлида асирадурмен деб, кўзига ёш олиб, энди менинг қисматим нима бўларкин деб, кўздан ғойиб бўлди. Ул кечани оҳ-фироқ билан ўтказдим, эрта бирлан туриб саройга келдим. Дардим кундан-кунга зиёда бўлур эрди. Бой хинду эса бошқа мени йўқламади.

Алқисса, карвон ахлининг ишлари битиб йўлга ҳозирлик кўрдилар. Ноилож мен ҳам сафарга назм қилдим. Банголага бориб тараддулар айлаб бу томонга озим бўлиб, насиба бу ерга олиб келди. Ушбу асрорни шунинг учун арз айладимки, сизни бу жамол ва бу камолу донишда ягонаий замон ва зубдайи даврон кўриб, орасталиқда ҳадсиз бўлсангизда аммо бу базму нашотларда андоғ маҳбубалардин нишон топмадим деб, ишқ-муҳаббат китобларидин афсуллар ўқиб дам солди. Ул савдогарнинг ўтлиғ нафасидин шаҳзода Муслимнинг жонига бирдан ўт туташди. Яқбора малика Ҳазоргийсунинг ёди барча томирларини ларзага келтирди, бетоб бўлиб йиқилди, аху ноласи ҳадинда ошди. Бул хабарни ул шох эшитиб, шаҳзода бошига бориб кўрдик, оламдин асло хабари йўқдур. У кўп тааммуллар айлаб дедик, эй нуридийдам бошинга келган савдон баён айлагил, мен анга қараб амал айлағумдур деб, меҳрибонликлар айлади. Шаҳзода Муслим тилга кириб дедик, эй ота Ҳиндустон мулкини фалон вилоятда бир бой хиндуни қўлида айрим сабабларга кўра Кашмир шохининг маликаи Ҳазоргийсу номлиғ қизи асира эрмиш, ул маликани сифатларини ул банголалик савдогардин эшитиб, аҳволим ўзгарди. Энди ул оромижоннинг висоли муяссар бўлмаса тирликдин умидим узилди. Бу ишнинг иложи қандай тadbир бирлан бўлса, андоқ қилгаймиз, йўқ эрса ушбу бандада одамгарчилик тамом бўлди, деб жигарсўз оҳ тортиб, ҳушидан кетди. Шох паришонхотир бўлиб, бу воқеани вазирга изҳор айлади. Вазир доно киши эрди, бу сўзни ким айтибдур деб сўради. Банголалик савдогар айтибдур дедилар. Кеч кирди, ул савдогарни карвонсаройдин олиб келиб шаҳзодадин жонига зулм айлабсан деб, маломатлар қилдилар. Савдогар узр айтиб дедик, шох, ўзим ҳам пушаймондурмен. Ақлим калталик қилибдур, энди бефойдадур, соҳиб ихтиёрдурлар деб, ерга қаради. Вазир даромад сўзни қазою қадардин бошлаб, муқадротда хоҳиши азалий нечук бўлса, андоғ бўлғай деб, савдогарни меҳрибонлик бирлан шод этди. Савдогардин яна бир марта малика Ҳазоргийсу тавсифларини эшитиб, кўп тааммул ва тафаккурлар айлаб шохга дедик, бул борада беҳисоб мол-дунё сарф айламоқ керақдур. Агар мол-дунё бахридин ўтилса бўлғайки, ул Ягонаий даврон қўлга киргай деб, ушбу навъ сўзларни деди. Шох ҳазиналарнинг қалитини вазирга таслим айлади ва дедик, дунё деган шундай муҳим ишларга даркор бўлмаса, у ҳолда бекорчи нимарсадир. Хоҳ подшоҳ, хоҳ қосиб ўз ишига сарф айламоқ ворислар кўрарларки не миқдор лаззат бордур? деб вазирга фармойиш айлади. Вазир ҳам хизмат камарин белга маҳкам боғлаб, ҳазинадин икки юз отга ажнос ва нақдиналар олиб, ул икки юз отга юклади. Даловур йигитлардан икки юзтасига савдогар либосини кийдириб, жанг аслаҳаларини пинҳона қилиб вазирининг ўзи карвонбоши мисолида бўлиб, шохдин фотиҳа олиб, Ҳиндистон йўлига равона бўлдилар.

Донишмандлар хазинасидан

ШАҲЗОДА МУСЛИМШОҲ, БАЛҲИЙ ВА МАЛИКАИ КАШМИРИЙ

дан-кунга зиёда бўлур эрди. Бой хинду эса бошқа мени йўқламади.

Тургун ФАЙЗИЕВ.
(Давоми бор).



Қизалогим бу йил мактабга боради.

Назм

ТҮҮ БҮЛСИН

Яшаш даври, бахтли турмуш, жаҳон бўйлаб, тўй бўлсин,
Созандалар созинг созла, янгроқ қўшиқ-куй бўлсин.

Тўй жарчиси карнай-сурнай, ноғораю чилдирма,
Садоларинг жарангласин, хориганинг билдирма.

Тўкинчилик боиси бу, дўстлигимиз мустаҳкам,
Дастурхонда ноз-неъматлар, есақ-ичсақ, шунча кам.

Даврага чиқ хонадалар, санъатингдан тонг отсин,
Базмимизни кўрсин Кўёш, энди тўлин Ой ётсин.

Шоду хуррам чехрамизда мунаввардир тунимиз,
Кайфият зўр, ҳаёт гашти, шундай ўтсин кунимиз.

Ҳаёт тўйлар бўлаверсин, хонадонда, ҳар ёнда,
Қайғу-алам жиловлансин, қолмайлик ҳеч армонда.

Маҳмудийни тўй шоири атасангиз ажабмас,
«Олтин олма, дуо олгин» деган халқим бўлса бас!

ҚАРИНДОШЛАР

Ҳар жойу, ҳар йилда, ману сирдош, қариндошлар,
Қалби пок, фикри доно, босиқ, бардош, қариндошлар.

Ўзимни ҳур сезурмен, сизларга қўшилган чоғим,
Гўёки бошим узра порлар қўёш, қариндошлар.

Гиналар қилмагайсиз, ҳеч бирингиз устингиздан,
Аҳлилик посбонига, ўзингиз бош, қариндошлар.

Ота-ю, онамиз бир, шулар тузин оқлайлик деб,
Яхшилик йўли излар, кўзимга қош, қариндошлар.

Ухшаймиз дарё десак, гўё Жайхун, гўё Сайхун,
Мен эса, ирмоғимен, деманг, бебош, қариндошлар.

Ҳаётда ҳаёт Маҳмуд, хаёли сизлардадир,
Меҳримиз оташидан эрисин тош, қариндошлар.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.



Осмонулар бинолар шаҳримиз хуснига ҳусн қўшади.

ОИЛА ДАВРАСИДА БУХБАТЛАР



Кизиқарли китоб экан.

Ҳангома

«МЕНДАН ҲАЙДОВЧИ ЧИҚМАС ЭКАН»

Иждоқор аҳлининг паришон-хотирроқ бўлиши ҳақида кўп гапирдилар. Бу таърифда жон бор. Мен ҳам ўшалардан қолишмасам керак. Бунга мисол тариқа бўлиб ўтган бир воқеани айтиб берай.

Бир куни Ўзбекистон радиоси ходимларининг таклифи билан қандайдир эшиттиришга иштирок этишим учун таклиф қилиндим. Миниборган машинани шундоққина радио биноси олдиға кўйдим-да, ичкарига кирдим. Овозимни магнит лентасига ёзиб олишди. Мазкур жараён охирига етгач, эски қаддон ҳаммасларим билан учрашиб қолиб, гапга тушиб кетдик. Тушки овқатга ҳам бирга чиқадиган бўлдик. Улар билан кўшилиб кетаверибману машинада келганлигим паққос эсдан чиқибди. Овқатдан кейин дўстлар билан хайрлашиб, пиёдалаб йўлга тушибман.

Уйга келгач ҳам ҳеч ҳодиса содир бўлмагандай телевизор қаршисига ўтириб, қандайдир кинони кўришга берилиб кетибман. Шомга яқин ўғлим ишдан келди. Унга калитни бериб, машинани ювиб қўйишни буюрдим. Гаражга томон кетган ўғлим кўп ўтмай ҳовликиб келди.

— Дада, машина қани?
— Машина гаражда, қаёқда бўларди?..

— Гараж бўм-бўш-ку?
Оёғимни кўлимга олиб, гараж томон чопдим. Ҳақиқатан ҳам унда машина йўқ...

— Келганимда гараж қулфмиди? — сўрадим ўғлимдан ичимдан қиринди ўтиб.

— Ҳа, сиз берган калит билан очдим. Эрталаб ўзингиз беркитганмидингиз?

— Ҳа-да. Машинани ҳайдаб чиқдим эшикни беркитиб... Тўхта, ўшанда калитни чўнтакка солдим шекил...

— Машинани миниб кетган бўлсангиз қаёққа йўқолади, у калит эмаски, чўнтагингиздан тушиб қолса?

— Дарвоқе, машина эмас... Унда, машина қани?
— Ушани сўрайман-да сиздан!

«Э-ҳа, — дейман кейин ичимда, — машинани радио биносининг олдиға ташлаб келаверибман-да-да?»..

Катта кўчага чиқиб, такси ёллаб, радиога жўнадим. Ҳайрият, машина ўрнида экан. Кўнглимни бетиним эгавлаган гўлгула ҳисси бир зумда тарқаб кетди. «Бунақа ҳодиса биринчи бор бўлаёт-

гани йўқ, — дея танбех бераман ўзимга ўзим, — бунақаси яна бир карра такрорланса, инфаркт бўлиб қолиш ҳам ҳеч гапмас. Бўлди, бас, мендан машина ҳайдовчи чиқмас экан, бундан воз кечиш керак!»

Уша оқшом машина олдиға куйганиб юганимни кўрган ва бирга тушки овқатга бошлаган дўстларимни бири кўриб қолди. — Ҳа, ака, ҳалиги «запис»нинг чаласи қолганмиди? Яна овора бўлиб қайтиб келибсиз-да? — дея сўради.

— Йўғ-е, машинани олиб кетишга қайтиб келдим, — дейман унга ўсал тортиб, боя сизлар билан тушликка кетаверибману машина шу жойда қолиб кетаверган экан...

Дўстим қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Унга кўшилиб ўзим ҳам кулдим. Эртасигаёқ бу воқеа бутун радиога тарқалибди, тоза кулишибди. Ҳали-ҳозиргача мени учратиб қолишса, «Ҳа, ака, пиёда юриб қолибсиз, машинани бирор ерда унутиб қолдириб келалётган бўлманг тагин», дея гап отиб қўйишади. Билишмайдики, ўша воқеадан кейин мен паққос машина ҳайдашдан воз кечиб қўйганман...

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

Қатрлар

ЖАҲЛГА ЭРК БЕРИБ...

Тутнинг барглари етилгач, новдаларини кесиб кетишди. Тутга раҳмат ёғилди. Тут яна барглар чиқарди. Чопқи яна ишга тушди. Яна раҳматлар.

— Тупроқ чангаллаб ишласам-да, раҳматлар фақат баргларга бўлса, — деди пастдаги илдизлар ва жаҳл-ла чопқиға: — баргларнинг ўсишига йўл қўйма, — деди.

Чопқи барглар кулоқ қокди дегунча кесаверди, кесаверди. Оқибатда ҳаракати сусайиб, талмовсираган илдизлар чопқиға ёлворди: — кесишни тўхтат, тупроқдан мадад олишга кучим етмай қоляпти шекилли.

Барглрсиз яшай олмаслигини олдин билмасмидингиз? — сўради чопқи.

— Эсгинам курсин. Жаҳлга эрк бериб... Энди ўсса кесмагин.

Афсуски, барглр ўсишдан тўхтаган эди.

ОЧКЎЗНИНГ ХОЛИ


Бир тўда қорамол емиш излаб ўтлоққа етгач, улардан бири «олахон» дарҳол тўдадан чиқди-ю ўти ўсиқ жойларни тез-тез чимчиб олдинга шошади. Ўсиқ ўтларни фақат ўзи еса... Шошқалоқлаб ўтлоқдан экинзорга ўтиб кетганини билмай қолди.

Арқон уни дарҳол тутга танғиди.

Тўдаси ўтларнинг қуюқ-суюғини суриштирмай қаноатла еб тўйинишар, фақат ўзим бўлай дея қуюғига юрган «олахон» эса энди суюғига ҳам рози эди.

Минг питирчиласин, арқон узилмай, очкўзининг холи шу, деб пишиқлик қиларди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.



Муассис:
Тошкент шаҳри
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулда
босилади. Қопоз биринчи А-2

Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойдаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 134-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
босмаҳонаси. Корхона манзили
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИБ
ДОМО БЎЛЧҲ.

◆ Келтиришларича, Искандар жангга отланиб ўтиш олдидан устози Арастудан насиҳат ва маслаҳат оларан. У бир куни Арастунни чақирди ва унга деди: «Эй ҳақимен узок юртларга бормоқчиман, у ерларда турли хил одағарга дуч келаман, улар билан қандай муомала қилишим кер?» Ҳақим унга шундай насиҳат қилди: «Эй Искандар, иложи беча одамларда ўзингга нисбатан душманлик ҳиссини уйғот дўстларингни эса ҳар хил сўз ва фёлинг билан хафа бўшларига йўл қўйма. Биров сенга душманлик қилса унга ёмоғз билан қараш ўрнига яхши сўз ва ҳадылар билан хурсанд қил. Натижада дўста айланади. Дўстларингнинг гапига кулоқ с уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўй, шунда улар душма айланмайди». Искандар унга: «Яна давом эттир», — деди.

Ҳақим деди: «Душманинг битта-иккита бўлса ҳаларнинг нима қилаётганидан беҳабар бўлма, юмшоқлик бич қилиш мумкин бўлган ишни кўполлик билан амалга оширм.

◆ Баъзи ҳақимларнинг фикрича, хушхулқликнингта нишониси бор. Улар қуйидагилар: биринчи, яхши ишда одамлар билан ҳамиша бирга бўлиш, иккинчиси нафс нга кирмаслик, учинчи, ўзгалар айбини қидирмаслик, тўрчи, бировда бирор айб содир бўлса, уни яхшиликка йўйи бешинчи, айбдор узр сўраса айбини кечирриш, олтинчи, қотжлар ҳожатини чиқариш, еттинчи, ўзи ҳақида уйлайверм бошқалар ҳақида ҳам қайғуриш, саккизинчи, ўз айбига иқ бўлиш, тўққизинчи, очик юзлик бўлиш, ўнинчи, хушмуома бўлиш. Байт:

Жаҳонда қидириб, кимдан сўрмадим,
Яхши хулқдан яхши нарсас кўрмадим!

Абулбаракот ҚИРИЙ.

◆ Номард одам ҳақни қўйиб, ноҳаққа майл этади. Номард киши узрингни қабул этмайди, хатоинг эса кечирмайди.

Разилона яшагандан мардона ўлган яхши. Заиф одам эҳтиёткорликни қўлдан бермаса душмни йиқади.

◆ Қўрқоқнинг жанжали узок бўлади. Бировни қўтмаган бировдан қўрқмайди. Кучсиз одамларга ярашмайдиғиш кучсизлардан қасос олиш!

Тухум ўғирлаган одам туя ҳам ўғирлайди. Қўрқув шундай ҳисси, у барча инсоннинг юраги пан таниш.

Ожизларнинг курули — шикоят. Яхшилик йўлида чекилган меҳнат ерда қолмай. Яхши одам ўзини ҳам ранжитмайди, ўзгани ҳам хафа қилмай. Тарих яхшини ҳам ёзади, ёмонни ҳам.

◆ ҲИКОЯТ. Шириндан сўрадилар: «Хусравнинг ича шону-шавкати бўлса ҳам, уни севмай, бечора Фарҳод нима учун севасан?» Ширин жавоб бериб деди: «Чунки Ҳавнинг менга нисбатан бўлган севги даъвоси тилининг учи, Фарҳодники эса жонининг ичидадир!» Шеър:

Неча Хусрав ишқ билан Ширинга урсин лофу қоф,
Лек Ширин қадрини Фарҳоддин ўза билмагай!

◆ ҲИКОЯТ. Ой нурли бўлса ҳам ҳар куни кўринганидан қадрсиздир.

ХУҲМИЙ.

◆ Махфий қолмасинким, парҳезгарлик варақлари ўшлаб турувчи шерозанинг таянчи — бу уйланиш ва покиза ларга совчи қўйишдир. Уйланиш ва покиза аёлларга муҳаббқўйиш одамнинг кўнгил чирогининг равшан бўлишига ва киларнинг ҳаётдан баҳра топишига, таносил аъзоларининг салатлиғига сабаб бўлади!

◆ Сўзлаш йўли нотекис ва хавфли бўлиб, кўп халларга эга ва уйламай, фикр қилмай лабни ҳеч бир сўзни тўр қилишга очмаслик керакки, уйламай айтилган сўз кўп бларни фано чавгонининг гўйига айланган жон ҳазинасиниса заволлик ва нуқсон қиморига ютқазган.

Сўзлашда бир неча қоида бўлиб, уларнинг ҳар бири риоа қилмоқ лозим. Биринчиси шуки, бесабаб ва бемавриқ калити билан тақаллум қулфини очмаслик лозимки, сўзвхари тўғри ва аниқ бўлса-да, бевақф ва бемаҳал айтилсидроқ бозорининг гавҳаршунослари ва қоида билувчилари нарида эътибордан четда қолади ва ҳеч ким уни эшитишга бағбат қилмайди.

Бархурдор ибн ММУД.

◆ Шошилмай, ақлу тадбир билан иш тутиш мақсадга тини тезлаштиради:

Жом ичра чумоли тушса бечора,
Ҳалоскорга кўчмас, керакдир чора.
Ҳар кимда ўтқир раёй ва тадбир бордир.
Жанг ичра талаба доимо ёрдыр.
Тадбирдан ҳар кимга кўп нажот етар,
Баҳор ҳар дарахтдан вақтинча кетар.

Муҳаммад ЗНИЙ.

◆ Кўнгилда мусаффолик туғдирувчи айрилиқ жафсуғдирувчи яқинликдан яхши!

◆ Азизим, ҳар қандай семиздан ботирлик умидилиб бўлмайди ва ҳар қандай зўр овозли ва йўғон жуссалир куват тама қилиш ноўриндир. Кўрганмисан, қамиш қанчак йўғон бўлмасин барибир ингичка чўпдек синади, лайлакниқадди қанча катта ва баланд бўлмасин бургут қўлида ожизўлиб қолади. Байт:

Мардлик кичиклигу йўғонликдамас,
Қара, лайлак йўғон, бургут кичикдир!

Ҳожа Самандар ТЕРМВИЙ.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржмаси.